2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 178 (967), 2023 йил 1 сентябрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# БИЗ БИР БЎЛСАК – ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК – ВАТАНМИЗ!

## “Янги Ўзбекистон” боғида мустақиллигимизнинг ўттиз икки йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди





Ҳар бир куннинг ўзгача файзи бор. Ҳар сонияда ҳикмат яширин. Ҳаёт қадри ёрқин лаҳзаларда ифода топади. Одам авлодларини обод ва фаровон кунлар шукуҳи чорлаб туради. Аммо буларнинг бари фақат озодлик руҳи ва эркин яшаш тақдири билангина ҳақиқатдир. Шу боис, инсоният ҳамиша ҳурлик учун курашиб келади. Шу боис, ҳаётнинг асл қадр-қиммати саналган, дунёдаги энг тотли, энг жарангли сўз — ОЗОДЛИК, МУСТАҚИЛЛИКни улуғлайди, шарафлайди.

Ўтган асрнинг тўқсон биринчи йили. Ўттиз биринчи август. Шу кун тонги халқимизга асрий орзулари рўёбини улашди. Ўзбекистон суверенитети расман эълон қилинди ва илк бор миллиятчилигимиз ифодаси — биринчи сентябрь Мустақиллик байрами сифатида белгиланди. Халқимизнинг ишонч ва мағрурлик йўғрилган қадамлари бошланди. У йил сайин жарангдор акс-садо бериб борди.

Бугун шу кунни ўттиз иккинчи бор тантана қиляпмиз. Вақт ўтаверади. Лекин бу кун ҳар гал мамлакатимизда ҳам, ватандошларимиз қалбида ҳам муҳташам ва мағрур қиёфада жонланиб тураверади, элимизни руҳлантираверади.

Халқимиз даҳоси билан боғлиқ одатга кўра, байрамларда яхши инсонлар хотираси ёдга олинади. Айниқса, бугунги энг улуғ кун учун курашганлар ёди мангуликка дахлдордир.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар!

Юртимиз келажаги бўлган ёшлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Бундан роппа-роса ўттиз икки йил муқаддам Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Ўтган даврда биз қанча синовларни бошимиздан ўтказдик, кўплаб қийинчилик ва машаққатларни биргаликда енгдик.

Ўттиз икки йил аввал туғилган гўдак бугун ўзининг мустақил фикри, дунёқараши, орзу-истаклари ва мақсадларига эга шахс сифатида вояга етди. Худди шу сингари, бугунги Ўзбекистон ҳам, ўтган даврда турли синовларда тобланиб, тажриба орттириб, ўзининг аниқ мақсади ва йўли, позициясига эга бўлган катта давлат сифатида шаклланди.

Бу — бутун халқимизнинг тарихий ютуғи. Унда ҳар бирингизнинг муносиб ҳиссангиз бор!

**Сиз, азизларнинг Ватанга меҳр ва садоқат билан қилаётган ҳар кунлик меҳнатингиз Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу маънода, Истиқлол байрами — барчамизнинг байрамимиз, мустақил Ўзбекистон — барчамизнинг фахримиз, ифтихоримиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.**

Мана шу шукуҳли дамларда ҳар қандай шароитда ҳам ўз касбига содиқ қолиб, ёш авлодимизга илм-фан асосларини ўргатиб келаётган ҳурматли муаллим ва мураббийларни, халқ саломатлиги йўлида ўзини аямасдан хизмат қилаётган жонкуяр шифокорларни, эл-юрт дастурхонини янада тўкин қилиш учун далаларимизда фидокорона меҳнат қилаётган миришкор деҳқон ва фермерларимизни, она юртимиз қалқонлари бўлган жасур ҳарбийларимизни, иқтисодиётимиз ривожи, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган тадбиркорларимизни, ўзининг дастлабки ютуқлари билан барчамизни хурсанд қилаётган азму шижоатли ёшларимизни, қалб тўла меҳри, улуғ фазилатлари билан хонадонларимиз устуни бўлиб келаётган ҳурматли опа-сингилларимизни, ҳар бир ишда дуогўй бўлиб, бизга Яратгандан куч ва мадад тилаб турган муҳтарам отахон ва онахонларимизни, дунёнинг қайси ўлкасида бўлса ҳам, Ўзбекистон соғинчи билан яшаётган азиз ватандошларимизни, бир сўз билан айтганда, 36 миллионли бутун халқимизни бугунги улуғ байрам билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Истиқлол айёми барчамизга муборак бўлсин!

Қадрли дўстлар!

Албатта, Ўзбекистон ўз суверенитети, давлат мустақиллигига осонлик билан эришгани йўқ. Бу йўлда аждодларимизнинг сиёсий ва маърифий интилишлари сўнгги бир ярим аср давомида деярли тўхтамади. Ҳуррият учун курашган кўплаб Ватан фидойилари қатағон этилди, истиқлолга интилган миллат қаҳрамонлари зулм ва зўравонлик қурбони бўлди.

Биз юрт озодлиги йўлида курашган, ноҳақ айбланиб, бу дунёдан армон билан кетган ватандошларимизнинг пок номларини тиклашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Сўнгги уч йилда уларнинг 856 нафари Олий суд томонидан оқланди. Биз бундай эзгу ишларни албатта давом эттирамиз. Зеро, бу масалада адолат қарор топиши шарт.

Давоми 2-бетда

## ВАТАН ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ШАҲИД КЕТГАНЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТДИР

**Мустабид ва истилолар даврида заминимизда минглаб бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.**

Президент Шавкат Мирзиёев 31 август куни эрта тонгда Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрди.

Қуръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақига дуо қилинди. Элга ош тортилди.

Мустақиллик кунларида миллатимиз ойдинлари хотирасини эъзозлаш, хизматларини эслаш яхши анъана. Чунки улар халқимиз озодлиги учун, бугунгидек эмин-эркин кунлар учун интилган эди. Бу сана Ватанга фидойилик унутилмаслигини, ҳамиша қадрланишини англатади.

Мустабид тузум даврида юртимизда минг-минглаб одамлар қатағонга учраган. Оилалари хонавайрон бўлиб, болалари етим қолган. Биргина 1937-1938 йиллардаги катта қирғин даврида 7 мингга яқин ватандошимиз отилган.

Ҳозирги хиёбон шундай қатллар ижро этиладиган мудҳиш жой бўлган. Мустақиллик йилларида у обод масканга айлантирилди. Бу ерда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда унинг филиаллари ташкил этилди. Айни пайтда музейда Туркистон маърифатпарварларига бағишланган кўргазма очилган.

Давоми 4-бетда

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Кўп миллатли халқимиз ҳаётидаги муҳим сана — давлат мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсат, жамоат ва дин арбобларидан табриклар келмоқда.*

*Хорижий ҳамкорлар ўз қутловларида кейинги йилларда демократик янгиланишлар ва миллий тараққиёт йўлидаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга оширишда, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва обрўсини юксалтиришда эришилган улкан муваффақиятларни алоҳида қайд этган.*

*Таъкидланганидек, яқинда бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеа – янгиланган Конституциянинг қабул қилингани халқимиз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ортга қайтмас ислоҳотларни сўзсиз қўллаб-қувватлаётганидан далолатдир.*

*Табрикномаларда давлатимиз раҳбарига янги муваффақиятлар ҳамда Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилаклари изҳор этилган.*



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилинг.

Мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда эришган ютуқлар барчага маълум, Ўзбекистон жаҳон майдонида катта нуфузга эга, халқаро кун тартибидаги долзарб масалаларни ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида муваффақиятли ривожланмоқда. Москва ва Тошкентнинг МДҲ, ШҲТ, БМТ ва бошқа кўп томонлама тузилмалардаги ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан конструктив икки томонлама алоқаларни барча соҳаларда, дўст халқларимиз фаровонлиги учун, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам изчил ривожлантириб боришимизга ишонаман.

Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Президент жаноблари!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан Сиз ва қардош Ўзбекистон халқига самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан бениҳоя мамнунман.

Бу йил Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён алоҳида муҳим йил бўлди. Мамлакатингизда янги Конституция бўйича референдум ва муддатидан олдин Президент сайлови муваффақиятли ўтказилиб, Ўзбекистоннинг юксалиши ва бардавом тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Сизнинг раҳнамолигингиз остида Янги Ўзбекистон барпо этилишида янада катта ютуқларга эришилишига ишонаман.

Жорий йилнинг май ойида Сиз “Марказий Осиё — Хитой” саммитида иштирок этдингиз ва Хитойга давлат ташрифини амалга оширдингиз. Биз Хитой — Ўзбекистон умумий тақдир ҳамжамиятини барпо этиш ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бир қатор муҳим келишувларга эришдик.

“Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро ҳамкорлик форумида иштирок этиш учун жорий йил октябрь ойида яна Хитойга келишингизни интиқлик билан кутиб қоламан.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларига алоҳида аҳамият қаратаман. Сиз билан ўрнатилган ҳамкорлик муносабатларимиз ва шахсий дўстлигимизни юксак қадрлайман. Давлатларимизнинг ҳар томонлама стратегик шериклигининг барқарор ва изчил ривожлантириш ҳамда хитой-ўзбек ҳамжамиятининг қурилишига янги турткі бериш учун Сиз билан ҳамкорлик қилишга тайёрман.

Биродар Ўзбекистон халқига фаровонлик ва бахт-саодат тилайман!

Эҳтиром ила,

**Си ЦЗИНЬПИН,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Президент жаноблари!

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Америка Қўшма Штатлари халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимизни йўллайман.

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги стратегик шериклик халқларимиз ва бутун дунё халқлари учун янада тинч ва фаровон келажакни яратишга ёрдам берди.

Биз биргаликда минтақавий таҳдидларга, жумладан, тажовузкор экстремизм, гиёҳванд моддалар ва одам савдосига қарши курашишда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигимизни ривожлантирмоқдамиз.

Биз икки давлат ўртасида инклюзив иқтисодий ўсишга кўмаклашиш мақсадида савдо ва сармоявий алоқаларимизни чуқурлаштирмоқдамиз.

Биз умумий қадриятларимиз, жумладан, мустақиллик, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ҳимоя қилмоқдамиз. Қўшма Штатлар минтақавий мулоқотни чуқурлаштириш, гендер тенглигини таъминлаш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда қатъий бўлган Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашда давом этади.

Келгусида ҳамкорлигимиз ва биргаликдаги ишимиз янада чуқурлашишини интиқлик билан кутиб қоламан. Сизга ушбу байрамни шодлик ва хотиржамлик ила ўтказишингизни тилаб қоламан.

Ҳурмат билан,

**Жозеф БАЙДЕН,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент жаноблари, азиз қардошим!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан шахсан ўзим ва халқимиз номидан Сиз, Жаноби Олийларини ва Ўзбекистон халқини чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мустақилликка эришганидан буён кун сайин тобора тараққий этаётган дўст ва қардош Ўзбекистоннинг оқилона раҳнамолигингиз остида қўлга киритган муваффақиятлари ва халқаро саҳнада эгаллаган нуфузли ўрни Туркия учун ифтихор манбаидир.

Қисқа вақт мобайнида кенг қамровли стратегик ҳамкорлик даражасига етган ҳамда минтақамизда намуна бўладиган муносабатларимизни ўртамиздаги бирдамлик руҳида янада мустаҳкамлаш борасидаги иродамизни яна бир бор таъкидлаш фойдадан холи эмас, деб ўйлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт саодат, дўст ва қардош ўзбек халқига фаровонлик, омонлик тилакларимни етказаман.

**Режеп Таййип ЭРДОҒАН,**
**Туркия Республикаси Президенти**

Давоми 3-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Ўтмишга назар ташлар эканмиз, аччиқ бир ҳақиқатни тан олишга мажбурмиз: “ўзбек” деганда, фақат эртаю кеч пахта даласида меҳнат қиладиган заҳматкаш инсонлар тасаввур қилинар эди. Афсуски, шу даражага тушиб қолган эдик.

Пахта ҳукмронлиги ўзбекнинг пешонасига ёзилган бало бўлди. Пахта сиёсати Оролни қуритди, экологиямизни инқирозга олиб келди, иқтисодиётимизни, таълим тизимини издан чиқарди. Оқибатда бир неча авлод чаласавод бўлиб вояга етди. Биз бунинг асоратлари билан ҳалигача курашяпмиз.

Бугун пахтачиликда бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, соҳа ўз эгасини топди. Натижада ўқитувчи мактабга, шифокор шифохонага қайтди, тадбиркорлар пахта “ўлпони”дан озод бўлди, мажбурий ва болалар меҳнатига чек қўйилди. Ўзбекистон халқаро “қора рўйхатлар”дан чиқарилди.

Барчамизнинг фидокорона меҳнатимиз, ғайрату шижоатимиз билан Янги Ўзбекистон орзуси реал ҳақиқатга айланмоқда. Халқаро майдонда Ватанимизга нисбатан ҳурмат ва эътибор тобора ортиб бормоқда.

Президент сифатида дастлабки ишларимдан бири қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ўрнатиш бўлди. Йиллар давомида ечимини кутаётган муаммолар ҳал этилди. Бунинг натижасида Марказий Осиё давлатлари билан барча соҳалардаги алоқаларимиз янги босқичга чиқди.

Қадрли юртдошлар!

Сиёсий мустақиллик замирида энг аввало иқтисодий мустақиллик ётиши ҳеч кимга сир эмас. Охирги йилларда амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимиз бу йўлда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Сўнгги 6 йилда юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,5 мартадан зиёд, тадбиркорлик субъектлари сони 2 карра кўпайгани, саноатдаги ўсиш 40 фоиздан ошгани буни яққол тасдиқлайди. Қисқа муддатда камбағалликни 2 баробардан зиёд қисқартиришга эришдик.

Лекин биз бугун билан кечаги кунни эмас, бугун билан эртанги кунни таққослашимиз, ишимизни шу асосда ташкил этишимиз керак. Чунки, келажак бугун биз ташлаётган қадамлардан бошланади.

Азиз дўстлар!

Биз мутафаккир зотларнинг: **“Давлатнинг вазифаси инсонларни бахтли-саодатли қилишдир. Бу мақсадга эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида эришилади”,** деган ҳикматли сўзларини ўзимиз учун дастур деб биламиз.

Маълумки, биз бир йил аввал тараққиётимизнинг 5 та асосий йўналишини белгилаб олган эдик. Унда таълим соҳасини ривожлантириш биринчи галдаги устувор вазифа сифатида қайд этилган.

Мен доимо таълим, таълим, муаллим, муаллим, деб таъкидлашим бежиз эмас. Чунки таълимни ривожлантирмасдан туриб юксак тараққиётга эриша олмаймиз. Ҳар қандай муаммонинг ечими ҳам, эртанги кунимизни ҳал қилувчи омил ҳам, шубҳасиз, таълимдир.

2022 йили мамлакатимизда 72 та янги мактаб қурилди, 279 таси капитал таъмирдан чиқарилди, 514 та мактаб эса реконструкция қилинди. Мактаблар учун 30 мингдан ортиқ компьютер харид қилинди. Янги ўқув йилидан республикамиз мактабларида хориждан махсус таклиф этилган 500 нафар инглиз тили мутахассислари болаларимизга дарс беради. Бошланғич синф ўқувчилари илғор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган янги дастур ва дарсликлар бўйича ўқий бошлайдилар.

Худди шу каби, соғлиқни сақлаш, бизнесни ривожлантириш, суд тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ва ёқилғи-энергетика муаммоларини ҳал этиш юзасидан катта лойиҳалар бошланган. Яна бир бор таъкидлайман: ушбу белгиланган устувор йўналишлар бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Агар 3 минг йиллик тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ота-боболаримиз асрлар мобайнида дунё тамаддунига нафақат жисмоний, балки интеллектуал меҳнати билан улкан ҳисса қўшганига гувоҳ бўламиз.

Биз жаҳонга фақат хомашё эмас, аввало илм-маърифат, маънавий бойлик етказиб берган не-не улуғ зотларнинг авлодимиз. Ҳеч шубҳасиз, уларга хос бўлган буюк фазилатлар, улар яратган шонли анъаналар бугун ҳам бизнинг қалбимизда, онгимизда, ҳаётимизда яшамоқда.

Мен ишонаман, биз бу тарихий йўлни муносиб давом эттиришга ҳар томонлама қодирмиз. Бугунги кунда дунё харитасида тутган ўрнимиз, ўз олдимизга қўяётган жуда улкан мақсад ва марраларимиз ҳам айнан шуни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз транспорт-логистика тизими билан бирга, бугун замоннинг ўзи талаб қилаётган илм-фан, инновация, IT ва ақлий меҳнатга асосланган бошқа соҳаларни жадал ривожлантиришга устувор аҳамият қаратяпмиз. Айнан шу йўналишлар Ўзбекистон иқтисодиётининг яқин келажакдаги асосий локомотивларига айланади.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим масала — экологик муаммолар ва сув танқислигидир. Тарозининг бир палласида ўсиб бораётган қурилишлар, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги турган бўлса, иккинчи палласида ҳар биримиз учун энг зарур бўлган сувни тежаш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи турибди.

Бизнинг вазифамиз — ҳар икки йўналишда ҳам мувозанатни сақлашдан иборат. Ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимки, табиий ресурслар — бу келажак авлодларимизга ҳам тегишли бўлган бойликдир. Шу боис, улардан нафақат бугунги, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланишимиз зарур.

Бу борада сувни, энергия ва бошқа табиий ресурсларни тежайдиган иқтисодиётга тезроқ ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Биз учун “яшил” ва рақамли технологиялар, инновацион ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш вазифаси ҳам долзарб бўлиб турибди.

Қадрли юртдошлар!

Янгиланган Конституциямизда Ўзбекистоннинг дунёвий давлат ва турли маданиятларни бирлаштирган макон экани аниқ белгилаб қўйилди. Бизнинг куч-қудратимиз — мана шунда, биз бу бойликни кўз қорачиғидек асрашимиз керак. Тарихга қарайдиган бўлсак, асрлар давомида юртимизда турли хил эътиқод ва қарашлар, динлар, маданиятлар бағрикенглик билан қабул қилинганини кўрамиз.

Биз — низоларни уруш билан эмас, тинчлик билан ҳал этиш йўлини танлайдиган халқмиз. Биз барча халқлар билан ҳамиша муросаи мадора, дўстлик ва ҳамкорликда яшаб келганмиз. Бугунги тараққиёт йўлимизда ҳам айнан шу тамойилларга таянамиз.

Бизга, биринчи навбатда, кучли фуқаролик жамияти зарур, чунки ҳар қандай ислоҳот ҳар биримизнинг юрагимиздан, онгимиздан бошланиши лозим. Адолатли қонунлар бўйича виждонан яшашга тайёр бўлишимиз, мамлакат келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб, олға қадам босмоғимиз керак.

Бугун ривожланган фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳақида гап борар экан, буни сўз ва матбуот эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бутун дунёда журналистлар ўзлари ва жамиятни ўйлантираётган, хавотирга солаётган мавзулар ҳақида гапириш ва ёзиш ҳуқуқи учун, ҳақиқат учун курашганлар ва бундан кейин ҳам курашадилар.

Аммо ишонч билан айта оламанки, мен эркин фикрли журналистлар тарафида бўлганман ва доимо шу позицияда бўламан. Айни вақтда ахборот маконида ҳаққонийлик ва холислик бош мезон бўлиши керак.

Ҳурматли байрам қатнашчилари!

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, **“хотин-қизлар — бу миллат оналаридир”.** Улар миллатнинг янги насли — фарзандларини тарбиялаш учун ўзлари ҳам юксак билимли бўлишлари зарур.

Шундай экан, олдимизда турган яна бир муҳим вазифа — жамият ҳаётининг барча соҳаларида аёллар учун тенг имкониятлар яратишдир. Ҳурматли хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, касб соҳаси бўйича ўсишини таъминлаш борасида ўтган даврда кўп ишларни амалга оширдик. Шу билан бирга, бу йўналишда қиладиган ишларимиз ҳам оз эмас.

Маълумки, муҳтарама аёлларимиз зиммасида хизмат соҳасидаги вазифасидан ташқари, фарзандлар тарбияси, оилада соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ахлоқий-маънавий анъаналарни давом эттиришдек мураккаб вазифалар ҳам бор. Шундай экан, меҳрибон опа-сингилларимизни ҳар қанча қўллаб-қувватласак, арзийди.

Мана, бу йил оиладаги зўравонликка қарши қонунни қабул қилдик. Бундан кўзланган асосий мақсад — оилалар мустаҳкамлигини, аёлларимизнинг бахти ва ҳимоясини таъминлашдир. Биз бу йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз.

Азиз юртдошлар!

Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак!

**Биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!**

Ҳурматли юртдошлар!

Инсоният охирги беш-олти йил мобайнида сўнгги юз йил давомида ўз бошидан ўтказиши мумкин бўлган барча синовлар билан юзма-юз келгани сизларга маълум.

Бу пандемия бўладими, табиий офатлар, зилзилалар бўладими, қуролли тўқнашувлар, глобал исиш ҳамда қурғоқчилик бўладими — барчаси башариятни қаттиқ синовдан ўтказди ва ўтказмоқда. Мазкур мураккаб вазиятни, таъбир жоиз бўлса, кучли ва қаттиқ тўфонга қиёслаш мумкин.

Бундай офатлар оқибатида “манаман” деган дарахтларнинг ҳам барглари узилиши, шохлари синиши, куртаклари тўкилиши, ҳатто мевалари нобуд бўлиши мумкин. Лекин илдизи мустаҳкам ва чуқур бўлган дарахтлар йиқилмайди. Аксинча, ерга ўша томирлари билан янада маҳкам боғланади. Қайта куртак ёзади, мевалар тугаверади. Бу — ҳаёт қонуни.

Бизнинг қадимий ва мустаҳкам илдизларимиз бор. Бу — бизнинг тарихимиз, қадрият ва анъаналаримиз, урф-одатларимиз, миллий ўзлигимиздир. Мен ана шу теран илдизларимизда юртни, миллатни бирлаштирадиган буюк бир ғояни кўраман.

Биз Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз тинчлигини таъминлашнинг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларимиз салоҳиятини оширишга, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун янада муносиб шароит яратишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Дунёнинг олис ва яқин мамлакатлари, айниқса, қўшни давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқамиз. Бу борада мамлакатимиз ва хорижий давлатлар дипломатларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда хорижий давлатларнинг ҳурматли элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этаётганидан мамнун эканимни билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва равнақ тилайман.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Барчангиз бир ҳақиқатни билишингизни истардим. Бизнинг жамики саъй-ҳаракатларимиз мамлакатимиз равнақи учун, ўз Ватанига садоқатли халқимиз учун, сизлар учун, азиз юртдошлар!

Бугун олдимизда турган вазифалар қанчалик улкан ва мураккаб бўлмасин, уларни биргаликда ҳал этишга кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади.

**Биз энди кечаги одамлар эмасмиз. Халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.**

**Тарихдан маълум: вақтни — имкониятга, имкониятни — ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантира олган халқ — буюк халқдир. Бугун меҳнаткаш, мард ва олижаноб, меҳр-оқибатли элимиз айни шундай халқ бўлиб майдонга чиқмоқда.**

Фурсатдан фойдаланиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишда фидокорона меҳнат қилиб келаётган барча юртдошларимизга, она халқимга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сиз, азизларни, каттаю кичик барча ватандошларимни бугунги улуғ айём — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Барча ютуқ ва ғалабаларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимиз ҳамиша омон бўлсин! Гўзал юртимизда тинчлик ва осойишталик бардавом бўлсин!

Жонажон Ватанимизга кўз тегмасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# БИЗ БИР БЎЛСАК – ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК – ВАТАНМИЗ!

Бошланиши 1-бетда

Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида қурбон бўлганлар оз эмас. Бу аждодларимиз бугунги кунларимизни доим орзулаб, энг юксак мақсад деб билиб курашиб яшади. Эл-юрт учун ҳаётини бахш этган бундай асл ватанпарварлар хотираси биз — миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади. Шу боис, қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили 31 август куни — Мустақиллик байрами арафасида Тошкент шаҳридаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида ўтказилиши анъанага айланган.

“Янги Ўзбекистон” боғи. Соат миллари 19:00 га яқинлашиб боради. Муаззам боғда Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган байрам тадбири бошланиш арафасида.

Очиқ амфитеатр байрам иштирокчилари билан гавжум. Ҳар галгидек барчанинг кўнглида ҳаяжон, юзларида тантана шукуҳи. Улар орасида ҳукумат аъзолари, сенаторлар, депутатлар, илм-фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, ёшлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакилларини кўриш мумкин.

Фаровон ҳаётимиз, халқимиз бунёдкорлиги бобида “Янги Ўзбекистон” боғининг алоҳида ўрни бор. Зеро, унинг номи ҳам, гўзал қиёфаси ҳам барчамизда ғурур-ифтихор уйғотади, тафаккуримизни ойдин йўл сари буради. Бу ердаги рамзларнинг ҳар бири шонли тарихимиз саҳифаларига ва бунёдкорлигимиз фалсафасига ҳамоҳанг.

Майин шабада эсмоқда. Ҳурриятимиз рамзи — байроқларимиз озод ҳилпирайди, мониторларда истиқлолимизнинг шонли ютуқлари жонланади. Нигоҳлар ажиб жилоланиб турган Мустақиллик монументига тушади. Унда миллий давлатчилик тарихимизнинг 3 минг йилдан зиёд даври концептуал акс этган.

Бу шукуҳли манзара киши хаёлини кечаги ва бугунги кунлар мушоҳадасига чорлайди. Мустақилликнинг илк йилларини яхши эслаймиз. Қийинчилик даврини бошдан ўтказганмиз. Ҳаёт мароми бир текис бўлмаган кунларни ҳам кўрдик. Лекин сабр-тоқатли ва донишманд халқимиз фаровон кунлар умиди билан яшади, меҳнат қилди.

Орадан йиллар ўтди. Дунё харитасида пайдо бўлган ёш Ўзбекистон давлати ва кўп миллатли халқимиз ҳамжиҳатлиги билан тараққиёт марраларини забт эта бошладик. Бу ютуқлар мустақиллигимиз пойдеворини янада мустаҳкамлади.

Ўттиз икки йил мобайнида ортга чекинмадик. Чунки мустақил Ватан мазмун-моҳияти тафаккур кўзимизни равшан қилиб, дилимизга олий мақсадларни жо этган эди. Элимиз ўз тақдирига эга чиқиб, янги ҳаёт, янги жамият қуриш учун бор ғайрати билан меҳнат қилди.

Бугун “Янги Ўзбекистон орзуси” пайдо бўлди. Катта ислоҳотлар даврига қадам қўйдик.

*...Байрам тантанаси бошланишига саноқли дақиқалар қолди. Амфитеатр саҳни бир зум тин олди. Тантанали тадбирга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюргани эълон қилинди. Байрам иштирокчилари давлатимиз раҳбарини олқишлар билан қарши олди.*



> **БУ ЙИЛГИ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ МОҲИЯТИГА “ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!” ҒОЯСИ СИНГДИРИЛДИ. БОИСИ, ХАЛҚИМИЗ ҲАР БИР КУННИ КАТТА ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАР БИЛАН ҚАРШИ ОЛАДИ. ОИЛАЛАРДА, МАҲАЛЛАЛАРДА ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН КУРАШ РУҲИ КЕЗА БОШЛАДИ.**

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўттиз икки йиллиги билан халқимизни муборакбод этди.

*...Севганларнинг парвози Ватан.* Боғ узра таралаётган қўшиқ сеҳри кўз ўнгимизда бўлаётган ўзгаришлардан фахрланиш ҳиссини бағишлайди.

Ҳаётимиздаги ўзгаришларни, юксалишларни бирма-бир айтсак, кўп гапириш мумкин. Келинг, уларнинг айримларини санайлик.

**Биринчи ўзгариш:** халқ билан мулоқотнинг янги механизми яратилди. Президентимиз бошчилигида оддий одамлар дардини эшитиш тизими иш бошлади. Пировардида, неча йиллардан буён ҳал этилмай келаётган муаммоларга ечим топилди. Хусусан, маҳаллаларимиз обод қиёфа касб этди, янги йўллар қурилди, ички йўллар таъмирланди, боғчалар, мактаблар бунёд этилди, таълим, соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, аҳолини уй-жой билан таъминлаш сиёсати натижасида минглаб юртдошларимиз ўз уйига эга бўлди.

**Иккинчи ўзгариш:** қўшни давлатлар билан муносабатларимиз илиқлашди. Чегаралар очилди, борди-келди йўлга қўйилди. Натижада бир ариқ нарида яшаётган қариндошлар бир-бирининг дийдорига тўйди. Қалблардаги соғинч ҳисси юмшади, дардларга малҳам топилди.

**Учинчи ўзгариш:** фуқаролик берилиши ва паспорт тизимидаги мантиқсиз тартиботга барҳам берилди. Узоқ муддат фуқароликсиз яшаган минглаб юртдошларимиз Ватанли бўлди. Уларга Ўзбекистон фуқароси, деган юксак шараф берилди.

**Тўртинчи ўзгариш:** фаол тадбиркорлик муҳити яратилди. Бу мамлакатга хорижлик инвесторларни жалб этиш, ўзимизнинг тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш учун замин бўлди. Энг асосийси, шу муҳит туфайли минглаб фуқароларимиз ишли, доимий даромад манбаига эга бўлди. Бугун уларнинг оиласида фаровонлик муҳити ҳукм сурмоқда.

**Бешинчи ўзгариш:** мажбурий меҳнатга барҳам берилди, жамиятимизнинг янги қиёфаси шаклланди, халқимиз дунёқараши ўзгарди. Бу қутлуғ ўзгаришларни ҳар куни ўз ҳаётимизда, кўча-кўйда, обод маҳаллаларда, оилалардаги тўкислик муҳитида, халқимиз ҳамжиҳатлиги руҳида сезамиз.

Миллий-сиёсий байрамимиз баҳона бу каби ислоҳотларни яна кўп санасак бўлади. Энг муҳими, бугунги халқимиз кечаги халқ эмас. Бугун ҳар биримизнинг ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришлар шукуҳи бизни янги марралар сари чорлаб турибди.

...Кундан-кунга донғи достон — Ўзбекистон! Қўшиқ таъсирида хаёлимизда фикрлар ғужғон ўйнайди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак эмас, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив зарурат” эканини яна бир бор мушоҳада қиламиз.

Мустақиллик бизга янги ҳаёт бағишлади, барча жабҳада юксалишга эришдик. Кейинги етти йилда эса янги тараққиёт даврига қадам қўйдик. Бу тарихан жуда қисқа, лекин мазмунан элни янгилаган даврда биз халқчил ва демократик тамойилларга асосланган буюк ўзбек йўлига асос солдик. Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқимиз фаровонлигини таъминлашга устувор аҳамият қаратилди.

**“Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак! Биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!”,** дея таъкидлади Президентимиз.

Дарҳақиқат, биз бирлашиб, биргалашиб катта ютуқларга эришдик. Бугун тараққиётимизнинг янги даврига қадам қўйдик. Бу йўлда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажариб, Тараққиёт стратегиясидаги режаларимиз ижросига киришдик.

Конституциявий ислоҳотни амалга оширдик. Том маънода ижтимоий давлат қуришга киришдик.

Президент сайловида халқимиз ўз келажаги учун эмин-эркин овоз берди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини халқимиз муҳокамасидан ўтказиб олдик. Тез кунларда қабул қилиниши кутилаётган бу ҳужжатдаги 100 мақсад “Халқ хизматидаги давлат” тамойилига асосланганини билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таҳликали ва шиддатли давр руҳида яшаш ҳар биримиздан жуда катта масъулият, тўхтовсиз ҳаракат ва илғор ғояларни талаб қилади. Шу маънода, дунёни ўзига чорлаётган янги Ўзбекистон руҳидан ҳар биримиз куч оламиз.

Бу йилги Мустақиллик байрами моҳиятига **“Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!”** ғояси сингдирилди. Боиси, халқимиз ҳар бир кунни катта орзу-интилишлар билан қарши олади. Оилаларда, маҳаллаларда янги ҳаёт учун кураш руҳи кеза бошлади.

Давлатимиз раҳбари байрам тадбирида қатнашган хорижий давлатлар элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари ва чет эллик шерикларга ҳам янги Ўзбекистон ислоҳотларини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда янги Ўзбекистон дунёга очилди, дунё ҳам бизга очилди. Тинчликпарвар, умумминтақавий бағрикенглик сиёсати танланди. Пировардида, Ўзбекистон ташаббуслари юксак доираларда эътироф этилиб, халқаро миқёсда қўллаб-қувватлана бошлади.

Тантанали тадбирда туркий давлатлардан келган санъаткорлар ҳам иштирок этди. Улар айтган қўшиқларда бирдамлик ва аҳиллик руҳи уфуриб турди.

“Янги Ўзбекистон” боғидан ранг-баранг мушаклар отилди. Ниятлар, орзу-умидлар жўш урди. Қалбларда тилаклар уйғунлашди: Илоҳим, мустақил ва обод юртимизга кўз тегмасин, бошлаган ишларимиз бардавом бўлсин!

Шунинг билан “Янги Ўзбекистон” боғида мустақиллигимизнинг ўттиз икки йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали байрам тадбири якунига етди. Шодиёналар руҳи юртимиз бўйлаб давом этмоқда.

**Улуғбек АСРОРОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бошланиши 1-бетда



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Қозоғистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни ва қардош Ўзбекистонни Мустақиллик куни билан қутлайман.

Суверен Ўзбекистон тарихидаги ушбу муҳим кун халқингизнинг бирдамлиги, мардлиги ва бунёдкорлигини ифода этади, республиканинг давлатчилигини янада мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли тараққиётини таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга.

Ишончим комил, мамлакатингиз Сиз белгилаб берган стратегик йўналишдан қатъий бориб, кенг кўламли сиёсий ислоҳотлар ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишларни рўёбга чиқарар экан, барқарор ўсиш йўлидан дадил ҳаракатини давом эттиради.

Халқларимизнинг туб манфаатларидан, кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик анъаналаридан келиб чиқиб, мен Қозоғистон — Ўзбекистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада чуқурлаштиришга устувор эътибор бермоқдаман.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан кўп қиррали ҳамкорликнинг улкан салоҳиятини қардош халқларимиз равнақи ҳамда Марказий Осиёда барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш йўлида рўёбга чиқара олишимизга ишонаман.

Ушбу файзли кунда Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, масъулиятли давлат фаолиятингизда янги муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Сизни ва қардош Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги билан табриклашга ижозат бергайсиз.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатда улкан муваффақиятларга эришди ва халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллади.

Ишончим комил, Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар қардош Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишига, унинг фаровонлиги йўлида қўйилган марралар эришилишига хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатларимиз дўстлик ва яхши қўшничилик руҳида кенг қамровли стратегик шерикликни ривожлантиришда яхши натижаларга эришди.

Ўртамиздаги ишончли муносабатлар бундан буён ҳам давлатларимизнинг мустаҳкамланиши ва ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилади, деб ишонаман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Садир ЖАПАРОВ,**
**Қирғиз Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Қадрли Шавкат Миромонович!

Тожикистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга, бутун Ўзбекистон Республикасининг дўст халқига мамлакатингиз миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимиз ва эзгу тилакларимизни йўллаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мустақиллик туфайли қардош Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётда, халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашда катта муваффақиятларга эришди.

Бу ютуқларнинг барчаси кўп жиҳатдан Сизнинг Ўзбекистон халқи томонидан кенг қўллаб-қувватланаётган муваффақиятли давлат сиёсатингиз билан боғлиқ.

Ўзбекистон билан стратегик шериклик ва иттифоқчиликни кенг миқёсда ва ҳар томонлама ривожлантириш Тожикистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларида марказий ўринни эгаллайди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг барча йўналишларида — сиёсат, савдо ва иқтисодиёт, маданий-гуманитар ва хавфсизлик соҳаларида барқарор ривожланиш суръати таъминланди.

Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан биз, азалий дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарига, мавжуд салоҳиятга таянган ҳолда Тожикистон — Ўзбекистон конструктив ҳамкорлигини қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам илгари сурамиз.

Чин қалбимдан Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ ва барча ишларингизда янги муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса мусаффо осмон, фаровонлик ва бардавом тараққиёт тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Эмомали РАҲМОН,**
**Тожикистон Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва мамлакатингиз қардош халқига самимий табриклар ва энг эзгу тилакларни йўллаш мен учун шараф.

Бугун Ўзбекистон Республикаси сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда тараққиёт ва равнақ йўлидан дадил бормоқда.

Яқин қўшнимизнинг ютуқларидан хурсандмиз.

Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги бугунги икки томонлама муносабатлар конструктив ва барқарор тусга эга эканини мамнуният билан қайд этмоқчиман. Улар кўплаб йўналишларда ривожланмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан Туркманистон билан Ўзбекистон ўртасидаги қардошлик муносабатлари халқларимиз фаровонлиги йўлида ривожланиши ва мустаҳкамланишига қатъий ишонаман.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасининг қардош халқига эса тинчлик-осойишталик, бардавом равнақ ва тараққиёт тилаб қоламан.

Чуқур ҳурмат ила,

**Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон Республикаси халқига мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларим ва энг эзгу тилакларимни билдириш мен учун шараф.

Ўтган йилларда Ўзбекистон давлати ўз тараққиётида катта муваффақиятларга эришди. Бугун мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган мисли кўрилмаган янгиланишлар амалга оширилмоқда.

Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда янги мазмун билан бойиб бораётганини мамнуният билан таъкидлайман. Ишонтириб айтаманки, биз Туркманистон — Ўзбекистон муносабатларига алоҳида аҳамият қаратамиз ҳамда уларни сифат жиҳатидан янада юқори даражага олиб чиқишга тайёрмиз.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, тараққиёт ва бардавом равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат ила,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркман халқининг миллий етакчиси,**
**Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Президент жаноблари!

Қардош Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Сиз орқали халқингизга самимий табрик ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Бугун Сизнинг раҳбарлигингиз ва чуқур ўйланган сиёсатингиз туфайли Ўзбекистон давлатчилик анъаналари ва тамойилларига содиқ қолган ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан олға бормоқда. Айниқса, мамлакатингиз эришаётган муҳим ютуқларни, халқаро майдонда эришган нуфузини, Сизнинг раҳбарлигингиз остида йилдан-йилга катта муваффақиятларни қўлга киритаётганини кўриш бизга мамнуният бағишлайди.

Минтақада рўй бераётган жараёнлардаги фаол иштироки ва позицияси туфайли Ўзбекистон энг нуфузли халқаро ташкилотларнинг учрашувлари ва саммитларини юқори даражада ўтказмоқда.

Озарбайжон ва Ўзбекистонни ҳақиқий дўстлик ва қардошлик ришталари боғлаб турибди.

Мустаҳкам асосга қурилган, фақат олдинга қараб ривожланаётган, аниқ мазмун билан бойиб бораётган икки томонлама муносабатларимиз ва стратегик шериклигимиздан хурсандмиз.

Ўртамиздаги очиқ ва фаол сиёсий мулоқот, олий даражадаги ўзаро ташрифларимиз, мунтазам учрашувлар, имзоланган ҳужжатлар, муваффақиятли амалга оширилган қўшма лойиҳалар, шу жумладан, Ҳукуматлараро комиссия фаолияти ҳамкорлигимизнинг ижобий суръатини таъминлаш ва шерикликнинг янги йўналишларини белгилашда муҳим ўрин тутмоқда.

Бир неча кун аввал Озарбайжонга амалга оширган давлат ташрифингиз Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари тарихида янги саҳифа очди ҳамда стратегик шериклигимизнинг ҳар томонлама ривожланишига кучли суръат бағишлади.

Ишончим комил, саъй-ҳаракатларимизни давлатлараро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишларини ривожлантиришга қаратиб, халқаро ташкилотлар, айниқса, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги муваффақиятли биргаликдаги фаолиятимизни давом эттирамиз ва кенгайтирамиз.

Ушбу муҳим кунда Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига абадий тинчлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Илҳом АЛИЕВ,**
**Озарбайжон Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Шавкат Миромонович, қадрли қардошим!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни билан чин дилдан муборакбод этаман.

Сизнинг доно раҳбарлигингиз туфайли мамлакатингиз кенг кўламли ислоҳотлар йўлидан дадил бормоқда, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши юксалмоқда, халқаро майдондаги ўрни мустаҳкамланмоқда.

Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича референдум ва Президент сайлови натижалари Сиз Ўзбекистонни модернизация қилиш бўйича танлаган йўл нақадар тўғрилигини исботлади.

Ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга ва қардош Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ, кўзланган марраларга эришишда муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Президент Жаноблари!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сизни ва ўзбек халқини ўзим ҳамда ватандошларим номидан чин юракдан табриклайман.

Сўнгги ойларда Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар юқори даражадаги кўплаб ташрифлар орқали ҳам янада фаоллашди.

Сизнинг жорий йил май ойида Берлинга қилган ташрифингизни алоҳида таъкидламоқчиман. Мен ушбу ташрифни мамнуният билан эслайман. Шунинг учун мен тез орада яна учрашиш ва фикр алмашинувимизни давом эттириш имкониятидан жуда хурсанд бўлар эдим.

Иқлим инқирози ва йирик глобал чақириқлар шароитида фаоллашган Германия — Ўзбекистон ҳамкорлиги алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Қайта сайланганингиздан сўнг ҳукуматингизнинг ислоҳотлар курсини давом эттириш истагингиздан мамнунман ва бу борада Сизга муваффақиятлар тилайман. Сизни ишонтириб айтаманки, Германия Сизни ҳамкор сифатида қўллаб-қувватлашда давом этади.

Сизга энг эзгу тилакларимни, ўзбек халқига эркинлик, хавфсизлик ва фаровонликдаги осойишта келажак тилайман.

**Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Президент жаноблари!

Ўзбекистон мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига табрикларим, бахт-саодат ва равнақ тилакларимни катта мамнуният билан йўлламоқдаман.

Ўзбекистон халқи учун алоҳида аҳамиятга эга ушбу кунда Франция мамлакатингиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига содиқ эканини тасдиқлайман.

Жорий йилда мамлакатларимиз 1993 йил 27 октябрь куни имзоланган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг ўттиз йиллиги ҳам нишонланмоқда. Ўтган даврда Франция — Ўзбекистон дўстлиги анча мустаҳкамланди, буни яқин ойларда Луврда ва Араб дунёси институтида ташкил этилган ҳамда Ўзбекистоннинг бой маданий меросини намойиш этган, юртдошларимнинг Ўзбекистонга қизиқишини оширган ва юртингизга ташриф буюришга ундаган ажойиб кўргазмалар ҳам тасдиқлади.

Франция компаниялари иштирокидаги, айниқса, сув таъминоти, қайта тикланувчи энергия, коммунал хизмат ва туризм соҳаларидаги бир қатор лойиҳалардан мамнунман. Франция Сиз бошлаган кўплаб ислоҳотларни кузатмоқда, қонун устуворлигини ва мамлакатингизнинг демократик асосларини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

Яқин фурсатда таклифингизга жавобан глобал шериклигимизни юқори даражада ривожлантиришни давом эттириш учун Ўзбекистонга ташриф буюришимга умид қиламан.

Ҳурматли Президент жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилинг.

Чуқур ҳурмат билан,

**Эммануэль МАКРОН,**
**Франция Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Ҳиндистон Ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига қизғин табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллайман.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон Республикаси тарихий, тамаддуний ва маданий ришталар билан боғланган. Биз умумий минтақамизнинг тинчлиги, хавфсизлиги, тараққиёти ва фаровонлиги учун манфаатдор томон ва табиий ҳамкорлармиз ҳамда биргаликда бу йўналишда ҳал қилувчи роль ўйнашимизга ишонаман. Ўзбекистон халқи томонидан Сизга берилган янги мандат туфайли муносабатларимиз янада янги ҳаётий кучга эга бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва омонлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқига тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, юксак эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

**Драупади МУРМУ,**
**Ҳиндистон Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу,

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимиз ва эзгу тилакларимизни изҳор этишдан бағоят мамнунмиз.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, Қардош Ўзбекистон Республикаси халқига эса янада юксалиш ва фаровонлик тилаймиз.

Сиз, Жаноби Олийлари саломларимиз ва эҳтиромларимизни қабул қилгайсиз.

**Салмон бин Абдулазиз Ол САУД,**
**Икки Муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг энг самимий табрик ва қизғин тилакларимни йўллаш шарафига мушарраф бўлганлигим мени чексиз қувонтиради.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва халқига доимий равнақ, тараққиёт тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ва эзгу тилаклар ила,

**Муҳаммад бин Зоид Ол НАҲАЁН,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент жаноблари!

Миср Араб Республикаси номидан Сиз, Жаноби Олийлари ва дўст Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни муносабати билан табриклашдан мамнунман.

Миср Ўзбекистон билан ўтган йил давомида муваффақиятли ривожланиб бораётган икки томонлама муносабатларни юксак қадрлайди. Мамлакатларимиз доимо ўзаро ишонч, умумий қадриятлар ва манфаатларга эга бўлган соҳаларда доимий мувофиқлаштиришга асосланган ҳамкорлик муносабатларини сақлаб келмоқда.

Шунингдек, Миср Марказий Осиёдаги муҳим ва қадрли ҳамкор сифатида Ўзбекистон билан муносабатларни мустаҳкамлаш тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлаб, икки дўст халқларимиз фаровон келажаги йўлида янада кўпроқ ҳамкорликка эришиш учун барча жабҳаларда яқин алоқаларни давом эттиришимизга чин дилдан умид қиламан.

Ҳурматли Президент, Жаноби Олийлари Сизга бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Энг самимий эҳтиромимни қабул этгайсиз,

**Абдулфаттоҳ ас-СИСИ,**
**Миср Араб Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда дўст ва биродар мамлакатингиз халқини чин юракдан табриклайман.

Маданий муштараклик ва ўхшаш қадриятларнинг мавжудлиги ҳамда олий даражадаги делегациялар алмашинуви ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишида сезиларли ўрин тутди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида икки давлат ўртасида ўзаро манфаатларни таъминлаш ҳамда минтақа ва жаҳонда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги алоқаларнинг янада ривожланишига гувоҳ бўламиз, деб умид қиламан.

Қодир Эгамдан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилаб қоламан.

**Сайид Иброҳим РАИСИЙ,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Президент жаноблари!

Сиз, Жаноби Олийларига Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан энг самимий тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон Венгриянинг нафақат сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкори, балки чинакам дўстидир. Венгрия — Ўзбекистон ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз халқларимиз манфаатларига мослигига қатъий ишонаман. Ўтган даврда бир неча бор шахсан учрашганимиз ҳамда Сиз, Жаноби Олийларини ва рафиқангизни Будапешт шаҳрида қабул қилганимдан мамнунман.

Ишонтириб айтаманки, ҳукуматим стратегик мулоқотни юқори даражада давом эттиришга ҳамда икки томонлама муносабатларимизни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган барча ташаббусларга бундан буён ҳам содиқ бўлади.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

**Виктор ОРБАН,**
**Венгрия Бош вазири**

Қуйидагилар ҳам ўз табрикларини йўллаган:

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко,**

Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд,**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири Дубай амирлиги ҳокими **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум,**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири **Мансур бин Зоид Ол Наҳаён,**

Қатар Давлати Амири **Тамим бин Ҳамад Ол Соний,**

Қатар Давлати Амири ўринбосари **Абдулла бин Ҳамад Ол Соний,**

Ўмон Султони **Ҳейсам бин Тариқ,**

Венгрия Президенти **Каталин Новак,**

Япония Императори **Нарухито,**

Индонезия Республикаси Президенти **Жоко Видодо,**

Сингапур Республикаси Президенти **Ҳалима Яқуб,**

Бельгияликлар Қироли **Филипп,**

Руминия Президенти **Клаус Вернер Йоханнис,**

Словения Республикаси Президенти **Наташа Пирц Мусар,**

Чехия Республикаси Президенти **Петр Павел,**

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос,**

Швейцария Конфедерацияси Федерал Президенти **Алан Берсе,**

Эстония Республикаси Президенти **Алар Карис,**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бош котиби **Сергей Лебедев,**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Чжан Мин,**

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев,**

Ислом ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Ҳусайн Иброхим Тоҳа,**

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Ҳусрав Нозирий.**

*Қутловлар келишда давом этмоқда.*

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

# ВАТАН ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ШАҲИД КЕТГАНЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТДИР

Бошланиши 1-бетда

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида ҳам Қуръон тиловат қилинди.

— Ҳар сафар бу ерга келиб, халқимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган жасур боболаримизни эслаб, кўнглимиз таскин топади. Уларни хотирлаш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Қатағон қилинган етакчиларимизнинг тақдири барчамизни мустақиллигимизни қадрлашга, уни асраб-авайлашга ундайди. Мана шундай мустақилликда, тинчликда яшашнинг ўзи Аллоҳ таолонинг катта марҳамати, неъмати. Бунинг учун шукроналик билан, унинг қадрига етиш керак, — деди Президент.

1937-1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг одам қатағонга учрагани, уларнинг 13 минг нафари отиб ташлангани яна бир бор ёдга олинди. Афсуски, тазйиқлар бу билан чекланиб қолмаган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам минглаб юртдошларимиз адолатсизлик қурбони бўлган. “Пахта иши”, “ўзбек иши” деган сохта айбловлар билан республикамиз бўйича 40 минг киши тергов қилинган, 5 минг нафари жиноий жавобгарликка тортилган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонга йигирма беш йил раҳбарлик қилган, ўзбек халқининг буюк фарзанди Шароф Рашидов ҳам ўлимидан кейин сиёсий қатағонга учрагани аламли эканини айтди.

Жадид боболаримиз ҳаётини ўрганиш, ноҳақ қатағонга учраган инсонлар хотирасини абадийлаштириш бўйича хайрли ишлар қилинаётгани таъкидланди.

— Бу борада адолатни тиклаш бўйича кўп ишлар қиляпмиз. Тарихчи олимлар иштирокида комиссиялар тузилди, архив ҳужжатлари ўрганиляпти. Охирги икки йилда Ўзбекистон Олий суди 850 нафардан зиёд, бу йил 240 нафар ана шундай жабрдийда ватандошларимизнинг номини оқлади. Бундай изланишларни ҳеч қачон тўхтатмаслигимиз керак. Негаки ҳақиқатни халқимиз билиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу даврга оид тарих янги топилаётган ҳужжатлар ва ашёлар билан бойиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича “Хотира” китоблари тайёрланди. Уларга 40 мингга яқин ватандошимиз тўғрисидаги маълумотлар киритилди. Бу тўпламлар яқин вақт ичида чоп этилади.

Президентимиз шулар билан бирга қатағон қурбонлари яшаган маҳаллаларда уларнинг номлари, фаолиятини муҳрлаб қўйиш зарурлигини таъкидлади.

— Музейлар қилдик, китоблар чиқяпти, кўпчилиги оқланяпти. Лекин шу билан унутилиши керак эмас. Менинг назаримда, қатағон қурбонлари туғилиб ўсган ёки бугун авлодлари яшаётган маҳаллада, ўша ердаги мактабда уларнинг номларини ёзиб қўйсак, ҳам савобли, ҳам ибратли иш бўларди. Қолаверса, мана шундай байрамларда, хотира кунларида хонадонларини зиёрат қилиш керак. Нега уруш қатнашчиларини уйига борамиз-у, қатағон қурбонларини эсламаймиз?! Уларнинг ҳар бирининг ҳаёти — қаҳрамонлик. Биз буни ўрганиб, ташвиқот қилиб, ёшларимизга етказишимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Мутасаддиларга жадид боболаримиз тарихини ўрганаётган тадқиқотчиларга мақсадли грантлар ажратиш, улар ҳақида ҳужжатли ва бадиий фильмлар олиш, матбуот ва интернет нашрларда материаллар чоп этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

— Халқимиз у даврни яхши билиши, фахрланиши керак. Ёшлар “Бизнинг боболаримиз истиқлол орзусида курашган, ўзини аямаган, биз мустақиллик учун нима қиляпмиз?” деб ўзига савол бериши зарур. Мустақилликнинг мустаҳкам замини нима ўзи? Аввало, ватанпарварлик, билим, маънавият. Жамиятимизда ана шундай ватанпарварлик руҳини, шукроналик руҳини кучайтиришимиз керак, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” боғига бориб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Бу монумент она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига қўйилган обида. У Президентимиз ғояси асосида давлатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган. Мамлакатимиз ҳаётидаги улкан воқеалар, хорижий ташрифлар чоғида бу ерга гул қўйиш анъанага айланган.

Маросимда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этиб, монумент пойига гуллар қўйди.

**ЎзА**

# ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиз — Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг 32 йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.**

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **286** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **109** нафари асосий жазодан озод этилди, **116** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **25** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **36** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **39** нафарини аёллар, **22** нафарини 60 ёшдан ошган эркак, **30** нафарини чет эл фуқаролари, **3** нафарини тақиқланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

## ХОРИЖИЙ ДИПЛОМАТЛАР ФИКРИ

# ЎЗБЕКИСТОН БУГУН ҲАҚЛИ РАВИШДА МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ СИЁСИЙ, БИЗНЕС ВА МАДАНИЙ МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ

**31 август куни “Янги Ўзбекистон” боғида Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди. Унда хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.**

> **ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИНИНГ МЕҲМОНДЎСТЛИГИ, ГЎЗАЛЛИГИ БИЛАН МЕНИ ЎЗИГА РОМ ЭТДИ. БУГУН МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ — ХИТОЙ РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИН ВА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАХСИЙ ҲИССАСИ ТУФАЙЛИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАНИНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚАЙД ЭТИШ ЖОИЗ.**



**Мунир МАММЕДЗАДЕ,**
**БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг ваколатхонаси раҳбари:**

— БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ номидан Ўзбекистон ҳукумати ва халқини мустақилликнинг 32 йиллиги билан самимий табриклайман.

Яқинда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистонда ваколатхонаси ташкил этилганига 30 йил тўлади. Мамлакатингиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ биз Ўзбекистондаги барча болаларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ривожланиш бўйича ҳамкорликда иш олиб боряпмиз.

Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўляпмиз ва ҳукуматни бу борада эришилган муваффақиятлар билан табриклаймиз. Соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш каби соҳаларни ривожлантиришга ҳукуматнинг сиёсий иродаси ва эътиборини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида 5 ёшгача бўлган болалар ўлими сезиларли даражада камайгани қувонарлидир. Бу соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмасига инвестициялар ва тиббиёт ходимларининг малакасига алоҳида эътибор самарасида амалга ошди. Ҳамкор ташкилотлар, жумладан, ЮНИСЕФ билан биргаликда Ўзбекистон болаларни касалликларга қарши эмлаш бўйича юқори натижага эришди.

Давлат томонидан мактабгача таълим ва болаларни эрта ривожлантиришни кенг қамровли ҳамда сифатли таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари юксак таҳсинга сазовордир. ЮНИСЕФ бу борада мамлакатнинг ишончли ҳамкори ҳисобланади.

Самарали ҳамкорлик туфайли кейинги 5 йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 3 баробар ошди.

Мактабда сифатли таълим-тарбия олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, аҳоли, айниқса, кўмакка муҳтож қатламларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ютуқлар ҳам бизни қувонтирмоқда.

Биз инвестициялар самарали ижтимоий тараққиёт ва бутун Ўзбекистон халқи фаровонлигига хизмат қилиши учун болалар ҳамда ўсиб келаётган авлод манфаати йўлида барча йўналишларда ҳамкорликни давом эттиришга интиламиз.

Қонунчиликдаги сўнгги ўзгаришлар ва ҳукуматнинг зўравонликнинг барча кўринишларини йўқ қилишга қаратилган саъй-ҳаракати ҳам таҳсинга сазовор. Ишонтириб айтаманки, ЮНИСЕФ болалар ва аёлларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича миллий ҳамкорларни қўллаб-қувватлашда давом этади.

Мен барча ҳамкорларга мамлакатдаги ҳар бир боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлари учун чуқур миннатдорлик билдирмоқчиман.

Ўзбекистон халқини бугунги улуғ айём — мамлакат мустақиллигининг 32 йиллиги билан табриклайман.



**Шарлотт АДРИАН,**
**Европа Иттифоқи делегацияси раҳбари, элчи:**

— Ушбу муҳим кун — мамлакатингиз мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан барча Ўзбекистон фуқароларига энг эзгу тилакларни билдириш имконияти учун ташаккур айтаман ва халқингизга фаровонлик ҳамда бахт-саодат тилайман. Албатта, ушбу муҳим куннинг қувончини ўзбек халқи билан баҳам кўриш мен учун катта шараф.

Шунингдек, Ўзбекистонга ислоҳотларни давом эттиришини тилайман. Кун тартиби жуда бой ва биз Европа Иттифоқи сифатида ушбу саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлай олишимиздан жуда мамнунмиз. Бу, хусусан, аграр секторни, экологияни ривожлантиришга тааллуқлидир, чунки биз иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини кўриб турибмиз. Энергетика соҳасини ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, гендер тенгликни таъминлаш масаласи ғоят муҳим, аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича қонунчилик базасини мустаҳкамлаш зарур, деб ўйлайман, бу борада жиддий ўзгаришларга эришилди. Биз давлат сектори билан рақамлаштириш, жумладан, фуқароларга хизмат кўрсатишни соддалаштириш бўйича ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз. Ўзбекистонда турмуш даражасини оширишга кўмаклашиш мақсадида давлат органлари ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорликни давом эттиришга ишонамиз.



**Ежи МАЦУЛЕВИЧ,**
**Ватиканнинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили, епископ:**

— Мен Ўзбекистонда 18 йилдан бери ишлаб келяпман ва ўтган йиллар давомида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли юртингиз қанчалик ўзгарганига шоҳидман.

Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Уларнинг барчаси мамлакатингиз, унинг тарихи, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг бой меросидан ҳайратда қолмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон шаҳарлари ўзининг маданий жозибасини сақлаб қолган ҳолда, замонавий қиёфа касб этаётгани, бой мероси асосида барпо этилаётгани ва тараққий этаётгани ҳам қувонарлидир.

Албатта, ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп, давлатни янада демократлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш бўйича улкан марралар олинган.

Ушбу қутлуғ айём арафасида Ўзбекистонга, бутун ўзбек халқига ўз олдига қўйган мақсадларига эришишда муваффақиятлар, ҳар бир ўзбек оиласига, ҳар бир юрт фуқаросига тинчлик ва фаровонлик, бахт ҳамда омад тилайман!



**Абдужаббор РАҲМОНЗОДА,**
**Тожикистон элчиси:**

— Қардош ўзбек халқини Ўзбекистон Мустақиллиги куни билан чин қалбимдан табриклайман.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг доно сиёсати туфайли сўнгги йилларда мамлакатингиз мисли кўрилмаган тараққиётга эришиб, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди.

Биз ушбу ўзгаришлар ва давлат тараққиётининг барча жабҳаларида очилаётган имкониятларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Давлат ривожининг янада муҳим омилига айланиб бораётган маҳалла сингари фуқаролик жамиятининг муҳим институти қўллаб-қувватланаётгани бизда катта таассурот қолдирмоқда.

Ушбу байрам кунида қардош Ўзбекистонга тинчлик-осойишталик, фаровонлик тилашдан бағоят хурсандман.



**Юй ЦЗЮНЬ,**
**Хитой Халқ Республикаси элчиси:**

— Ўзбекистон халқини мамлакат мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман. Мен юртингизга яқинда келганман ва илк бор Мустақиллик байрамида иштирок этяпман.

Ўзбекистон ўзининг меҳмондўстлиги, гўзаллиги билан мени ўзига ром этди. Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар давлат раҳбарлари — Хитой Раиси Си Цзиньпин ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шахсий ҳиссаси туфайли жадал ривожланаётганини мамнуният билан қайд этиш жоиз.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ва Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси кўплаб яқинлашув нуқталарига эга. Улар доирасида янги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда хитойлик тадбиркор ва сармоядорлар фаол ишлаяпти. Улар ўзбекистонлик ҳамкорлар билан биргаликда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга ҳисса қўшмоқда.

Бизнинг биргаликдаги ишларимиз сезиларли натижалар беришига ишонаман. Хитойнинг Тошкентдаги элчихонаси мамлакатларимиз ўртасидаги яқин алоқалар ва ҳамкорлик учун кўприк бўлиб, барча саъй-ҳаракатларни сафарбар қилишга тайёр.

Ўзбекистонга равнақ ва қудрат, халқингизга эса бахт ва фаровонлик тилайман!



**Муса ЖАМАНБОЕВ,**
**Қирғизистон элчиси:**

— Ўзбекистон учун энг улуғ ва энг азиз байрами — Мустақиллик кунига бағишланган тантанали маросимда иштирок этганимдан хурсандман. Мустақиллик ҳар бир давлатнинг асосий бойлигидир. Бугун Қирғизистон ҳам ўз мустақиллигининг 32 йиллигини нишонламоқда.

Биз бир минтақа — Марказий Осиё мамлакатлари, яхши қўшнилар сифатида бир-биримизнинг муваффақият ва ютуқларимиздан доимо қувонамиз.

Юртларимизда доимо тинчлик бўлсин, халқларимиз фаровон бўлсин.

Мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасидаги сиёсий ирода ва яқин шахсий муносабатлар туфайли Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида ҳамкорлик бугунги кунда барча йўналишларда жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик, ўз олдига қўйган улкан мақсадларига эришишни чин дилдан тилайман!



**Леонид МАРИНИЧ,**
**Беларус элчиси:**

— Ўзбек халқини энг улуғ байрами — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан табриклайман.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тубдан ўзгарганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мамлакатингиз Марказий Осиёда етакчига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсат иқтисодий юксалиш, мамлакатнинг Осиё маркази сифатида сиёсий тан олиниши халқаро ташаббусларга эришиш имконини берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳақли равишда Марказий Осиёнинг нафақат сиёсий, балки бизнес ва маданий марказига айланди.

Қардош ўзбек халқини муҳим сана — Ўзбекистон мустақиллигининг 32 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман! Тинчликни таъминлаш ва мамлакат тараққиёти ҳамда ўзбек халқи фаровонлигини юксалтириш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда янада муваффақиятлар тилайман!

**“Дунё” АА**



НУКТАИ НАЗАР

# ЯНГИЛИККА ИНТИЛМАСЛИК САБАБИ

## Ёхуд ўқитувчи қачон сифатли таълим беради?



**Узоқбой БЕГИМҚУЛОВ, педагогика фанлари доктори, профессор**

**Мактаб таълими масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида тизимдаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича стратегик вазифалар белгилаб берилди. Ўқитиш сифатини ошириш, муаллимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбий ривожланиши учун шароитни кенгайтириш бўйича қатор ташаббуслар эълон қилинди.**

Айниқса, ўқитувчиларни улуғлаб, улар шаънига "болалар қалбининг меъмори, муҳандиси" деган юксак эътироф янграгани биз — соҳа ходимлари қалбида ғурур уйғотди. Мамлакат келажаги мактабга, муаллимларга боғлиқлиги бир неча маротаба таъкидланди. Давлатимиз раҳбари "Ўқитувчининг обрўси ошса, мактабнинг обрўси ошади, илмнинг, таълим-тарбиянинг қадри кўтарилади", деди.

"Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади" деган эзгу ғоя асосида мактаб таълими соҳасида катта ишлар қилинди. Ўтган қисқа даврда юзлаб замонавий мактаблар барпо этилди. Илгари тажрибамизда бўлмаган Президент таълим муассасалари, ижод мактаблари тармоғи яратилди. Ихтисослаштирилган мактаблар тизими кенгайтирилди. Энди улар барча умумтаълим муассасалари учун локомотив вазифасига киришмоқда.

Мамлакатимиз илк бор таълим сифатини баҳолаш халқаро тадқиқотлари (PISA, PIRLS, TIMMS)да иштирок этди. 2022 йилги ҳисоботга кўра, Глобал инновацион индекснинг инсон капитали йўналишида Ўзбекистон 7 поғона юқорилаб, 131 та мамлакат ичида 65-ўринни қайд этди.

Ўқитувчиларнинг жамиятдаги обрўси ва қадр-қимматини ҳимоялаш Конституция даражасида мустаҳкамланди. Педагогларнинг фаолиятига аралашганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилди. Мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун эса алоҳида маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгиланди.

2016 йилда мактабларда 389 минг 740 ўқитувчи ишлар, уларнинг атиги 15 минг 807 нафари олий тоифали эди. Педагогларнинг касбий ривожланиши учун малака ошириш курсларида ўқиш ҳар 5 йилда бир ой ишдан ажралган ҳолда амалга оширилар эди. Бу эса, ўз навбатида, шиддат билан ривожланаётган дунёда замонавий билимларни эгаллашга имкон бермасди. Боз устига, ойлик маошининг камлиги муаллимларда янгиликка интилиш учун рағбат уйғотмасди.

Кейинги йиллардаги саъй-ҳаракатлар туфайли ўқитувчилар пахта даласидан қайтарилди. Турли кўринишдаги мажбурий меҳнатга жалб этишга чек қўйилди. Уларнинг ойлик маоши бугунга келиб, 2,5 баробар оширилди. Хусусан, хорижий тил, информатика, математика, кимё, биология бўйича миллий ва халқаро сертификатга эга ўқитувчиларнинг маошига устама қўшилди. Чекка ҳудудларга бориб ишлайдиган педагоглар ойлигига алоҳида қўшимча тўлаш амалиёти жорий этилди. Бу орқали самарали фаолият олиб бораётган муаллимларнинг топиш-тутиши сезиларли ошди. Шу кунга келиб, 6-10 миллион сўм маош оладиган ўқитувчилар сони 23 мингтага етди, 10 миллион сўмдан юқори ойликлилари сони мингдан ошди. Шунингдек, 2 мингга яқин муаллимга вазир жамғармасидан қўшимча устама тўланмоқда.

Мактаб таълимидаги ислоҳотларнинг пировард мақсади таълим сифатини ошириш экан, асосий масала барибир ўқитувчилар ва уларнинг педагогик маҳоратига бориб тақалаверади. Шу боис, бугун педагогларнинг касбий ривожланиши учун шароитни кенгайтириш, ҳали фойдаланилмаган имкониятни ишга солиш, олий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш мазмунини трансформациялаш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

### Касбий ривожланиш мўмай даромад дегани

Йиғилишда ўқитувчиларни касбий ривожлантириш шароитини кенгайтириш бўйича қатор ташаббуслар эълон қилинди. Энди мактабларга педагогларни ишга қабул қилиш, малакасини ошириш ва малака тоифасини бериш тизими такомиллаштирилади. Ишга қабул танлов асосида бўлади. Илк бор ўқитувчи вазифасига ишга қабул қилинганлар бир йил ўқитувчи-стажёр бўлиб ишлайди. Йил якуни бўйича касбий сертификат олиш талаби қўйилади.



### Талаб эмас, зарурат

Айни пайтда умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган ўқитувчилар сони 515 мингдан зиёд. Уларнинг билими ва маҳоратини оширишда янги усул ва йўналишлар кенг қўлланяпти. Натижада муаллимларнинг касбий маҳоратида ўзгариш сезилмоқда. Тоифага эга педагоглар салмоғи 43,8 фоиздан 64,8 фоизга етгани гапимиз тасдиғи.

2021 йилдан бошлаб ўқитувчилар малакасини ошириш даврийлиги 5 йилдан бир йиллик даврга ўтказилди. Яъни муаллимларнинг ҳар йили бир маротаба бир ҳафталик курсларда ўқиши йўлга қўйилди. Узлуксиз малака оширишнинг муқобил шакллари жорий этилди. Шунингдек, ҳаёт давомида таълим олиш тамойили асосида ишлаб чиқилган "Узлуксиз касбий таълим" электрон платформасида педагоглар онлайн малака ошириш имкониятига эга бўлди.

Ўқитувчиларни касбий ривожлантириш бўйича навбатдаги янги имкониятлар мавжуд. Иш жойида мустақил малака ошириш шакллари, жумладан, мактаблардаги тажрибали педагоглар методикасини ўрганиш, илмий фаолият билан шуғулланиш, қисқа муддатли ўқув курсларида иштирок этиш орқали ўзини ўзи касбий ривожлантириш механизмларини жорий этиш зарур.

Амалдаги онлайн курслар тингловчиларнинг педагоглар билан юзма-юз мулоқотини истисно қилади. Бу эса, ўз навбатида, масофавий курсларни фақат умумий билимни оширишга йўналтиради. Ўқитувчининг компетенциясини аниқлаш, етишмаётган кўникмаларни самарали шакллантириш имкониятини бермайди. Бу орқали педагогика олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатига ҳам холисона баҳо бериш имконияти пайдо бўлади.

Малака тоифаларини олиш эса икки босқичли синов орқали амалга оширилади. Биринчи босқичда муаллимларнинг билим даражаси, иккинчи босқичда эса касбий маҳорати баҳоланади.

Билими ва касбий маҳоратидан келиб чиқиб, ўқитувчилар малакаси табақалаштирилган ҳолда оширилади. Ҳар йили касбий маҳорат диагностикаси ўтказилади ва эҳтиёждан келиб чиқиб, кейинги йилга узлуксиз индивидуал касбий ривожланиш траекторияси белгилаб берилади. Шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш курсларининг давомийлиги педагогнинг тоифаси, дарс берадиган фанларининг хусусияти ва касбий маҳорати даражасидан келиб чиқиб белгиланади.

Алоҳида эътибор таълим мазмунига қаратилади. Бу жараёнда устуворлик фанларни ўқитиш методикасига йўналтирилади. Шунингдек, анъанавий ва масофавий (онлайн) малака ошириш шакллари уйғунлашган, якуний баҳолашда тингловчининг шахсий иштироки талаб этиладиган интеграллашган тизим жорий этилади.

### Нўноқ кадр мактабга керак эмас

Айрим ҳудудларда математика, физика, кимё, информатика, инглиз тили ва бошқа чет тилларни ўқитиш бўйича ўқитувчилар етишмовчилиги кузатилмоқда. Айниқса, таълим бошқа тилларда олиб борилаётган мактабларда муаммо анча жиддий.

Энди педагогика олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш ҳудуднинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, давлат мақсадли буюртмаси асосида амалга оширилади.

Педагогика олий таълим муассасаларида ўқитувчилар тайёрлаш сифатини оширишга талаб кундан-кунга ортмоқда. Бугун юртимиздаги давлатга тегишли 14 педагогика олий таълим муассасасида 27 таълим йўналиши бўйича ўқитувчилар тайёрланяпти.

ОТМлардаги ўқув жараёни мазмунан (малака талаблари, ўқув режаси, фан дастурлари) талабаларда амалий кўникмаларни шакллантириш ва ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига тўлиқ мослаштирилмаган. Ўқув-услубий жараённинг ахборот таъминотини янги маълумот ва билимлар билан тўлдириб бориш етарли даражада эмас. Олий педагогик таълим мазмунини шакллантириш бўйича замонавий илмий тадқиқотлар кўлами ва натижадорлиги пастлигича қолмоқда. Илмий изланишлар мактабгача ва мактаб таълимининг долзарб масалаларига йўналтирилмаган.

Шунингдек, педагог кадрлар тайёрлаш мазмунини тезкор янгилаш даражаси мактабгача ва мактаб таълимидаги ислоҳотлардан орқада қоляпти. Фанларни ўқитиш методикаси замонавий талабларга етарлича жавоб бермайди. Олий педагогик таълим мазмунида тарбия методикаларини ўқитиш улуши етарли эмас.

Олдинда олий педагогик таълим мазмунини трансформациялаш, замонавий таълим технологиялари ва методикаларини жорий этиш бўйича қилинадиган ишлар жуда кўп. Аввало, олий педагогик таълим мазмунини амалий компетенциялар (кўникмалар)ни шакллантиришга йўналтириш, лойиҳавий ўқитишни жорий этиш, ҳар бир амалий машғулот мавзусини махсус кейслар билан таъминлаш, талабаларни реал педагогик масалалар устида ишлашга ўргатиш зарур.

Талабаларни ҳар бир машғулотда билимларни мустақил эгаллашга, янги инновацион фикрлар таклиф этишга ўргатиш, таълим мақсадлари аниқ белгиланган ўқув материалларини олдиндан етказиш, маърузаларни қисқартириш, тизимли ва танқидий таҳлилни, мустақил қарор қабул қилишни амалий машғулотлар, курс лойиҳалари, курс ишларининг барчасида талаб қилиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, педагогика таълим йўналишлари ўқув режасида камида 50 фоиз юкламани мутахассислик фани бўйича методик тайёргарликка ажратиш керак.

### Тарбия методикаси кучли бўлса...

Бугунги ўқитувчи нафақат фани бўйича замонавий билимларга эга, балки миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган тарбия методикасини ҳам чуқур ўзлаштирган бўлиши керак. Бунинг учун олий таълимда уларнинг замонавий тарбия методикаларини ўзлаштиришига эришишимиз, мактабларда синф раҳбарлигини олиб бориш, жумладан, ота-оналар билан ишлаш компетенциясини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Шиддатли дунёда ёшларимизни ёт ғоялардан асраш, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни улар онгига сингдиришнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш, бу жараён илмий асосланган тарбия методикаларини яратишни талаб этяпти.

Йиғилишда ўқувчилар тарбиясига оила ва маҳаллаларни тизимли жалб этиш бўйича кўрсатма берилди. Ҳам таълим муассасаси, ҳам оила, ҳам маҳалла ёшлар тарбиясига ҳамжиҳат бел боғламас экан, натижа бўлмайди. Бунинг учун уларга тарбиявий ишлар бўйича методик ёрдам кўрсатиш ишларини ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўқитувчилар ва ота-оналар учун тарбиявий фаолиятни ташкил этиш бўйича махсус адабиётлар яратиш, тарбиявий ишларнинг ташкилий-методик таъминотини такомиллаштириш лозим. Ушбу мақсадда мактаб ўқитувчиларига синфлар бўйича "Тарбиявий ишлар методикаси", ота-оналар учун "Ота-оналар университети: фарзанд тарбияси" номли туркум методик қўлланма ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шу боис, тарбия методикасини ишлаб чиқишга олимларимизни бирлаштирадиган майдонча яратишимиз зарур.



ФАХР

# БИТИРУВЧИЛАРНИНГ БАРЧАСИ ТАЛАБА БЎЛДИ

**Қарши шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолият бошлаганига эндигина бир йил тўлди. Аммо мактабнинг натижалари қисқа фурсатда кўпчиликнинг эътиборини жалб этди.**

Мактабда ўқиш бошлангач, орадан икки-уч ой ўтиши билан ўқувчиларнинг турли танловларда, фан олимпиадаларида фаол иштироки, юқори ўринларни қўлга киритаётгани ҳақида хушхабарлар тарқалди. Яқинда тарқалган янгилик эса мактабнинг обрўсини янада оширди. Жорий йилда таълим муассасасини тамомлаган 22 ўқувчининг барчаси олий ўқув юртлари талабалигига қабул қилинди. Қандай қилиб дейсизми? Биз ҳам шу саволга жавоб топиш истагида мактаб-интернатда бўлдик.

### "Ўқитувчиларимизнинг маоши минг доллар!"

Билим масканига ташриф буюрган киши ўқувчиларнинг билим олиши учун яратилган шароитларни кўриб, кўзи қувнаши табиий. Боиси, барча ўқув ва лаборатория хоналари, кутубхона замон талабларига мос таъмирланган, шинам ва ёруғ. Жиҳозлар талаб даражасида.

— Янги ташкил этилган мактабимизда 384 ўқувчи бўлса, шундан 22 нафар илк қалдирғочимиз 11-синфни битириб, олийгоҳларга ўқишга кирди, — дейди таълим маскани раҳбари Нозима Орипова. — Бир йилдаёқ яхши натижа кўрсатиб, ўқувчиларимиз талаба бўлгач, кўпчилик орасида саволлар пайдо бўлди. Баъзилар аслида олдиндан ўқув марказларида тайёрланиб юрган болаларни мактабга олишган, деган гапларни қилди. Лекин аслида, бунинг тагида катта меҳнат ётибди. Жумладан, ўқитувчиларнинг барчаси танлов асосида келган. Белгиланган босқичдан ўта олган педагогларгина ишга қабул қилинди.

Улар мактабимизда иш бошлаганида аксарияти оддий ўқитувчи эди. Бошқа мактаблардаги муаллимлар қатори маош оларди. Кейинчалик ўз устида ишлашди, ҳаракат қилди. Бугун деярли барчаси олий тоифали. Шунингдек, йил давомида турли танловларда, халқаро мусобақаларда ўқувчилари билан иштирок этиб, сертификатларни қўлга киритди. Натижада ҳозир фан ўқитувчиларимизнинг барчаси минг доллар миқдорида, ундан ҳам ортиқ маош олиш даражасига чиқди.

Энди кўпчиликни қизиқтираётган "бир йилда бу натижага қандай эришилди?", деган саволга жавоб бериб ўтсам. Ўқувчиларимизнинг 95 фоизи вилоятимизнинг турли ҳудудларидаги қишлоқлардан келган. Бошида асосий қисми инглиз тилини умуман билмасди. Шу боис, болаларнинг билимини ошириш, иқтидорини юзага чиқаришга астойдил киришдик. Биринчи навбатда, устоз ва шогирд ўртасидаги кўринмас деворни олиб ташлашга интилдик. Ҳар бир бола билан яқиндан танишиб, уларга дўст каби муомалада бўлишга бел боғладик. Қизиқишларини ўргандик. Узоғи билан бир ойда бир-биримизни тушуниб олдик. Шундан сўнг ҳар бир ўқувчининг хоҳишига қараб дарс машғулотларига йўналтирдик. Улар дарсдан сўнг фан тўгаракларига бириктирилди. Бир дақиқа ҳам бекорчи вақт сарфламасликка ўргата олдик. Ота-оналар билан доимий равишда боғланиб, фарзандларининг кунлик ўзлаштириш натижаларидан хабардор қилиб бордик.

Шу йил олий ўқув юртларига битирувчиларимиз ариза топширишни бошлашдан олдин улар билан алоҳида суҳбатлар ўтказдик. Бунда ҳар бир ёшнинг ўз қизиқиши, истаги, эртанги кунда қайси касб эгаси бўлмоқчи эканини аниқладик. Кимдир ҳарбий, яна биров журналист, ўқитувчи бўлиш истагида ҳужжат топширди. Натижа эса кутилганидек аъло бўлди.

Биласизми, ҳамкасбларимиз бу тажрибани қайси хорижий давлатдан олганимизни сўрашди. Йўқ, биз ҳеч бир чет мамлакатдан малака қидирмадик. Ўзимиз, жамоа билан фикрлаб, алоҳида лойиҳалар тузиб, меҳнатимиз маҳсулини кўряпмиз.

Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида янги ўқув йили арафасида мактаб таълимидаги масалаларни муҳокама қилиш ва устувор вазифаларни белгилаб олиш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мактаб таълимини ривожлантириш борасида қилинган самарали ишлар аниқ мисоллар билан санаб ўтилди. Шунингдек, соҳада мавжуд камчиликлар ҳам қайд этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Шундан келиб чиқиб, биз ҳам қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Янги лойиҳаларни амалга ошириш устида ҳаракат бошладик.





### "Бизда дарс эркин ўтилади"

Ўн икки йиллик иш тажрибасига эга Анвар Саломовнинг мутахассислиги биология фани ўқитувчиси. Шу пайтгача умумтаълим мактаби, академик лицейда фаолият юритган. Мактаб-интернатдаги қизғин жараён унинг фаолияти янги босқичга чиқишига асос бўлди.

— Ўқитувчи дарс ўтиши учун бу ерда барча шароитлар яратилган, — дейди Анвар Саломов. — Энг асосийси, дарсни эркин, ўзингиз хоҳлаган усулда ўтишингиз мумкин. Мисол учун, ўқувчи бир жойдан бошқа жойга ўтиб ўтириши, юриши мумкин. Шунингдек, машғулотларимиз амалий бўлиши натижасида ҳар бир мавзуни болага етказиб бериш имконияти бор. Фанимиз қизиқарли. Гап фақат уни маҳорат билан ўтишда. Лаборатория хоналарида мавзуларни ўқувчиларимиз ўзи амалиётда бажариб кўради. Бир-бирининг хатоларини ўзлари тўғрилаб, камчиликларини айтиб боради.

Мактаб-интернат директори берган маълумотга кўра, жорий йилги 22 битирувчининг 12 нафари давлат гранти асосида, 10 нафари тўлов-шартнома асосида талабаликка қабул қилинган.

— Ўтган йили имтиҳон топшириб, 11-синфга қабул қилингандим, — дейди мактаб-интернат битирувчиси Бунёд Норсафаров. — Бир йил давомида фанларни яхши ўзлаштириб, фаол ўқувчилар қаторига чиқиб олдим. Бунинг асосий сабаби устозларнинг маҳоратли дарс ўтиши, ҳар бир мавзуга қизиқтира олишида, деб биламан. Бугун университетга талабаликка тавсия этилдим. Бу мен учун жуда катта шараф. Ўзим истаган, орзу қилган йўналишга ўқишга кирганимдан мамнунман. Билим берган барча устозларимга раҳмат айтаман.

Доимо янгиликка интилишдан тўхтамайдиган мактаб-интернат жамоаси айни пайтда янги ўқув йилига жиддий ҳозирлик кўрмоқда.

**Акбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири**

ОДАМЛАР НИМА ДЕЯПТИ?

# ҲАР ЙИЛ КУЗДА ШУ БЎЛАР ТАКРОР...



**Янги ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолди. Ҳар йилгидек талабалар турар жойи ва ижарага уй топиш муаммоси кўтарилади. Бу ҳолат, айниқса, пойтахтда кўпроқ сезилади.**

Сабаби, энг кўп ОТМ Тошкент шаҳрида жойлашган. Статистик маълумотларга кўра, пойтахтдаги ОТМлар сони 2021 йили 63 тани, ўтган йили эса 72 тани ташкил этган. Мамлакатимизда талабалар умумий сони 1 миллион 24 мингдан ошгани ва уларнинг 260 мингдан кўпроғи пойтахтда ўқишини ҳисобга олсак, турар жой муаммосига дуч келувчилар кўпайганини билиш қийин эмас. Вилоятларда бу муаммо унчалик оғриқли туюлмайди. Қулай нархда ижарага уй топиш мумкин бўлгани учун талабалар турар жойига талаб ортиб кетмайди. Лекин Тошкентда уй ижараси қиммат, талабалар турар жойи эса нисбатан кам.

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ижара шартномаси тузган талабаларга ижара суммасининг 50 фоизини тўлаб бериш йўлга қўйилгани бу борада яхши ечим бўлганди. Ўтган йили шу паллада ижара нархи 450-600 минг сўм атрофида эди. Ҳозир эса, 800 минг сўмдан 1 миллион сўмгача кўтарилган. Нарх-навони кўриб, "Инсоф бор жойда барака бор", дегинг келади.

Ижарага уй қидираётган талабалар билан суҳбатлашганимизда улар ўқиш учун тинч шароит ва ўқишга қатнаш учун қулай манзил қидиришларини айтишди. Лекин метрога яқин ва хўжайин бирга яшамайдиган хонадонлар эгаси киши бошига 85 долларгача нарх айтяпти", деди. Бу пул миллий валютамизга чақилса, 1 миллион сўмдан ошади. Ахир талаба уй сотиб олгани эмас, ижарада тургани келади-ку.

Яна бир суҳбатдошимиз бундай дейди: "Уч йилдан бери Тошкентда ўқийман ва ҳар доим турар жой муаммо бўлиб келган. Даллолсиз ижара хонадон топиш тилла топган билан баробар. Бир хонали квартирани 250–300, икки хоналиларини 400 доллардан камига тополмайсиз. Камига 50 фоиз воситачилик ҳақи тўлаш кераклиги одамга алам қилади".

Баъзи ижарачилар ижара шартномаси тузишдан ўзини олиб қочади. Тўғри, хусусий мулкка эгалик қилиш ҳамманинг ўз инон-ихтиёрида, аммо давлат талабалар ижара тўловининг ярмини тўлаб турганда енгиллик яратиш ўрнига нархни йил сайин кўтариб, вазиятдан фойдаланишга уринаётганларни кўриб, одам ранжийди. Буларнинг виждони қайси бозорда улгуржи сотилди экан-а, деган ўй ўтади хаёлдан.

Ижара нархини давлат назоратига олиш имконсиз. Чунки бозор иқтисодиёти даврида нарх-наво талаб ва таклиф асосида шаклланади. Хўш, ундай бўлса нима қилиш мумкин? Ечим сифатида талабалар турар жойи қурилишини тизимли кўпайтириш, улар назоратини ОТМлардан олиш, ётоқхоналар қураётган тадбиркорларга имтиёзларни кафолатлаш кабиларни айтиш мумкин. Бу билан талабаларнинг турар жойга эҳтиёжи тўлиқ таъминланмаса-да, ижарада турувчилар сони камаяди ва ўз-ўзидан нарх тушишини тахмин қилса бўлади.

**Элдор АБДУЛЛАЕВ, ЎзЖОКУ талабаси**

КЎНГИЛ КЕЧИНМАЛАРИ

# БУ КУНЛАРНИ қанчалар ОРЗУ ҚИЛГАНМИЗ...





**Бойсун тоғидан ўтиб, собиқ "Ўзбекистон" колхози ҳудудига тушиб келганимизда ҳали зим-зиё қоронғулик эди. Тошкентдан икки укам билан машинада йўлга тушар эканмиз, кунчиқар маҳал қишлоғимизга кириб боришни мўлжал қилгандик. Уйқули кўзларимни ишқалаб, укамга зимдан қараб оламан, у тетик, дадил, хуш кайфиятда рулни бошқариб боради.**

**Холмуҳаммад КАРИМИЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

— Азим домла, мўлжални сал хато олган эканмиз-да, — дейман энди-энди ёришиб келаётган кўҳна Боботоғ чўққиларига ишора қилиб. Машина эса ғизиллаб кетиб боради.

— Мўлжални-ку тўғри олгандик, аммо йўл равонлиги чарчатмади, манзилни яқин қилди. Сарқамишнинг йўли ҳам текис бўлганида борми, бундан ҳам эрта кириб келарканмиз.

Киндик қони тўкилган гўша хаёли билан алланечук кайфият бўлади. Тонг қоронғусида йўл бўйига машинани тўхтатиб, учаламиз ҳам машинадан тушамиз. Кўганли қабристони — отамни зиёрат қилиш учун дарвозасига келиб чўккалаймиз. Қабр аҳлига тиловат қилиб, ичкарилаб отамнинг қабрбошига чиқиб бордик. Соғинчлар, армонлар ила бир лаҳза кўнгилларни паришонлик қоплайди. Кенжатой, эрка ўғил энди домла бўлиб кетган. Оҳиста қадам ташлаб, тақир ерга чўккалаб, узун қироат қилади. Оҳанглардан меҳр-муҳаббат таралади.

Зиёратдан чиққанимизда қуёш чўққилар ортидан бош кўтарган, жонажон қишлоғим билан юз кўришиб турибмиз. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида колхоз ўртасидан ўтган катта йўлга бир марта асфальт ётқизилганича ярим аср шу ҳолида қолди. Узоқ йиллар қаровсиз қолган асфальт йўл бора-бора тош кўчага айланди. Одам-ку одам, ҳатто йўл ҳам эътиборни, парваришни талаб этишининг исботи бу. Охирги икки-уч йил ичида бу ерларга ҳам ҳуррият шамоллари етиб келди.

Теп-текис йўлдан ғизиллаб кетаётган машина чор атрофи дарахтзор гўзал қишлоқлар ўртасидан кетиб бораркан, болалик чоғларим кўз ўнгимдан кинотасмадай лип-лип ўта бошлади. Бу йўллардан пиёда сон-саноқсиз марта бориб қайтгандирман, аммо ҳамон унинг қучоғида ҳеч қанча вақт ўтмагандай яйраб кетади кўнгил. Болалик туйғуларимизда дунёдаги энг катта, энг гўзал макон ўз қишлоғимиз, дея тасаввур қилганмиз. Қуёш, ой, юлдузлару атрофимиздаги тоғлар бизнинг сайёрамиз деб ўйлаганмиз. Бепоён яйловлар, бийдай далалар кўзимизга чексизлик бўлиб кўринган. Ҳолдан тойгунча қўй ҳайдаб, яйловларда юрганмиз-у, ҳеч поёни йўқдек кўринган. Бугун эса болалик орзуларимиз яширинган қишлоқ йўлларидан кетиб борарканмиз, дарахтзорлар хаёлимни ўғирлайди. Болалик туйғулари билан бугунги куним қоришиб, кўзларим порлайди. Йўл равонлигидан мафтункор кўриняптимикан?

Ширин хаёллар оғушида кетарканман, ҳамроҳларимнинг ҳам гап-сўзларида соғинч ва меҳр яққол сезилиб турарди. Йигирма километрча йўлни қандай юриб қўйдик, ҳамроҳларимни билмадим-у, мен умуман сезмабман. Қадрдон маҳаллам — ота уйига етиб келдик. Қариндошлар келишимизни тўй қилиб кутиб олди. Қишлоққа келмаганимга ҳам анча бўлган экан, роса яйрадим. Ҳаяжонлар босилиб, меҳмондорчиликлар меъёрига етгач, кечки салқинда оиламиз тўнғичи Пардахожи бобо билан ёлғиз қолиб суҳбатлашдик. Қишлоқ ҳаётидаги янгиликларни сўраб-суриштирдим. Акам жойлашиб ўтириб олиб, кўксини керганча гап тебратиб гап бошлади:

"Энг қувонарли жойидан гапни бошлай. Кўрганларинг — колхозни ўртасидан иккига ажратиб турган йўлга ўтган асрнинг етмишинчи йили асфальт ётқизилган бўлса, нақ эллик йил шу ҳолида турди. Шунча йилда одамнинг умри тугаб кетади, йўл нима бўлибди. Ёзда чанг-тўзон, қишда лой, айниқса, қаҳратонда бу ерлардан юриш имконсиз бўлиб қоларди. Фақат трактор унча-мунча юрарди. Мана, учинчи йилдирки, қишлоғимиз одамлари асфальт нималигини билиб қолди. Бутун эски колхоз ҳудуди асфальт кўрди, ҳатто ора йўллар бинойидай асфальтланди. Айниқса, ўқувчилар, қариялар, аёллар ёғингарчилик дамларда лойшанг кўчаларда роса қийналарди. Оддий халқнинг қўлидан асфальт қилиш келмагач, аҳволни кўриб ачинишдан бошқасига ярамайсан экан. Чиндан ҳам миллатимизнинг ҳуррриятга эришганини, орадан шунча йил ўтиб, энди ҳис этяпмиз. Йўллар созлангач, бошқа нарсаларга ҳам ранг кириб, ажойиб бўлиб қолди-ей. Энг муҳими, тирикчилик биринчи ўринда-ку, ҳар маҳаллада тўртта-бештадан дўкон бор. Икки-уч чақиримда қассобхона, устахона дейсизми, шаҳарда бор нарса бу ерда ҳам бор. Сизлар болаликда хаёл ҳам қилмаган музқаймоқ-чи, хоҳлаган пайт топилади. Болаларнинг қувончини айтмай қўяверинг. Аслини олсак, болалар қувончини кўриш учун жонимизни жабборга бермаймизми? Йўлинг равон, ҳаётинг фаровон деганлари шу бўлса керак. Лой кечмай, чанг-тўзонга беланмай юрсанг, ишинг ҳам униб, кайфият ҳам очилиб кетаверар экан.

Томорқаларга қараб яна бир яйрайсан. Яна ўша гап. Оққопчиғай канали ҳам 50 йил бурун пахта далалари учун қандай қазилган бўлса, ўшандай фойдаланилар эди. Қаровсизликдан канал ҳам тусини ўзгартириб, файзини йўқотаркан. Чунки бир томондан, йилдан-йил атрофдаги қишлоқ ерлари захлаб, лойқа тўлиб, бир ҳовуч сув ҳам сиғмай қолганди. Сув талашишлар, айтилиги йўқ. Мана, ҳозир бинойидай цемент қилинди. Бу эллик йил бўлмаса ҳам нақ қирқ беш йил кутилган иш эди. Буларни кўриб турган эл мустақиллигимиз абадий бўлсин, шу ишларнинг бошида турганлар кўп яшасин, деб дуо қилиб ётибди. Оқ тупроқли ерга цементланган канал яхши бўларкан. Неча йиллардан бери кутилган ишлар қисқа даврда бўлди-қўйди. Худойим яхшилигини ҳам қўшалаб берар экан-да. Мақтангандек бўлади-ю, айтсам мақтанишга арзийдиган гап. Таърифини келтириб ўтирмай,



маҳаллаларнинг аксарияти ҳовлисида артезиан суви шариллаб оқиб турибди. Тўғри, олдинлари ҳам бўлган, ҳатто ўн-ўн беш йилда бир-икки ой жўмраклардан сув ҳам келган. Ўшалар хўжакўрсинга эди. Энди табиий газ ҳам имкони бор ҳудудларга бориб турибди. Узоқ қишлоқларга баллонли газ етказилмоқда. Мана шу тўрт нарса — йўл, сув электр, газ жойида бўлса, фаровонлик дегани.

Яна нималарни айтай. Фермерлар ҳам ишлаган меҳнаткашларга ойлик беряпти. Яқин-яқинларгача фермер ойлик бериши ҳақида эшитмаган эдик. Чамамда, қарийб 30 йил бу ерларда ўқитувчи ва шифокордан бошқа қоғозга қўл қўйиб ойлик олмаган. Қандай яшадик экан-а шу аҳволда, деб ҳайрон қоламан. Ҳозир эса ишчиларга ойлик вақтида берилаётганини эшитяпмиз. Деҳқон ҳам алоҳида, боғбон ҳам ўз меҳнати, тадбиркорлигига қараб даромад қиляпти. Очиғи, деҳқон киму боғбон ким, чўпонлик нима — ҳаммаси бир-бирига аралашиб кетганди. Ҳамма баробарига ҳамма ишни қиларди. Буни тушунтириш қийин, бошини йўқотган оломон нимадан даромад келса, тирикчилик учун ҳаммасига уриниб кетаверган-да. Шунча машмашанинг устига ўқитувчию ўқувчи ҳам улар сафига қўшилгандан кейин томошани кўринг. Шуларни кўз олдимга келтирганимда, бошим айланиб кетади. Шунинг учун бугун ҳамма нарса ўз ўрнига қайтаётганидан маҳаллаларда хотиржамликни кўрасиз. Давлатимизнинг қилиб берган шароитидан, қишлоғимиздаги хароб аҳволга ойдинлик киритганидан ўқитувчи мактабига, деҳқон даласига, чўпон яйлови томон юриб, ҳар ким ўз касби кори билан машғул бўляпти, йўллар равон бўлди-да, иним. Ана шу йўлсизлик бизни қийнаб ётган эканми, дейман-да?

Бу ислоҳотларга бош-қош бўлаётганлардан миннатдормиз. Уларнинг ишида ҳам камчиликлар етарлидир. Аммо бизники каби узоқ қишлоқларгача хайрли ишлар етиб келдими, демак, аниқ айта оламан, жуда кўп ишлар қилинмоқда. Ўз эркинг ўз қўлингда бўлгач, эртами-кеч йўлинг равон бўлишига умид бор экан. Бўлди ҳам. Бундан ҳам яхши бўлишига ишончимиз бор. Худо хоҳласа, тобора яхшиланиб бораверади. Энди буёғи биз кексалардан дуо, ёшларга қувват берсин. Эл-юрт хизматини қилиб ҳеч толмасин.

Иним, ўзингиз яхши биласиз, умримнинг катта қисмида колхоз қишлоқ советида фаолият юритдим. Шу элнинг йўлини, томорқасини, оқар сувини, аҳволини яхши билганим, шу ишлар билан кўп йиллар шуғулланганим учун ўзимга таниш нарсалар ҳақида гапириб бердим".

Шунинг баробарида акамнинг бугунги кунлардан мамнун бўлиб, шукроналик билан айтган гаплари-ю, чарақлаб турган кўзларига, табассумли юзларига ҳар боққанимда ич-ичимдан ифтихор туйдим. Қишлоқнинг оддий бир кишиси айтган гаплардан хулоса қиладиган бўлсам, шахсан ўзимнинг ижодкор сифатидаги ишларимдан уялиб кетдим.

Эртаси куни эрталаб мактабда она тили ва адабиёт фанидан дарс берган устоз Холмирза Хўжакелдиевнинг уйига ўтдим. Устознинг ёши саксондан ошган бўлса-да, ҳали бардам. Ҳассасиз юради. Гаплари дадил. Ўқитувчиликдан нафақага чиққач, анча йиллар маҳаллага раислик қилган. Болаларча қувониб қаршилади. Бу инсонлар мен учун яна ҳам қадрли, отамнинг қадрдонларидан. Шунинг учун ҳаяжон билан кўришдик. Дастурхон бошига ўтиришимиз билан қизғин суҳбат бошланди. Бу одамни таниганимдан бери ҳақиқатдан бошқасини гапирганини эшитмаганман. Шу боис, қишлоқ янгиликларидан сўрадим.

"Қишлоқларда ҳам мақтанадиган гаплар кўп, — дея салмоқлаб гап бошлади. — Хўш, илгари орзу бўлган кўп ишлар рўёбга чиқяпти. Ўзимиздан ҳамма соҳанинг муҳандислари бўлишини қандай орзу қилган бўлсак, бугун улар қишлоғимиздан ҳам чиқяпти. Мисол учун, Ҳайит бобонинг бир ўғли ҳарбий учувчи бўлди, вертолёту самолёт бошқаради, осмонда. Биз ерда аранг юрамиз-у, Ҳайитбойнинг ўғли осмонда. Бундай учувчилар, айниқса, қишлоғимиздан чиқишини у пайтлар орзу ҳам қилолмаганмиз.

Қирқ йил мактабда дарс бердим. У кезларда ўқитувчи ва ўқувчилар ҳаммаси мажбуран пахта даласида бўлиб, декабрда ҳам мактабга қайтмасди. Энди у даврлар тарихга айланди. Бугун қишлоқ ёшлари ўзига ишонган ҳолда Ўзбекистонимизнинг хоҳлаган жойидаги олий таълим даргоҳларида ўқимоқда. Бизга ўхшаб мажбурий меҳнатга сафарбар этилмаяпти.

Куз ойларида мактаб олдидан у ёқбу ёққа ўтиб-қайтаман. Болаларнинг шовқин-суронини эшитиб, очиғи, кўзимга ёш келади. Бу, албатта, бугунги кунларнинг қувончидан. Бошида озодликка эришган бўлсак ҳам ичимиздаги мутелик кетмаган.

Тўғри, оғир йилларни бошдан ўтказдик. Меҳнатда тарбия топган боланинг билгани яна меҳнат бўларкан. Оила боқиш учун мусофир юртларда мардикор бўлди. Ақли етгани шу, бошқа нима ҳам қилсин. Лекин ҳозир бошқача, мақтанмасам бўлмайди. Бор гапни айтиб ғурурланаман. Қишлоқларда хў сен яшайдиган пойтахтдаги махсус мактаблардан ками йўқ мактаблар очилди. Янгидан очилган боғчалардан қайтган невара-чевараларнинг хурсандлигини кўриб, кўнглим тоғдай ўсади. Гўдак болалар жамиятни ҳис этиб улғаймоқда. Уларнинг ҳаётида ҳам тартиб бор. Бу жуда катта нарса.

Олдинлари мактабни ўттиз ўқувчи битирса, нари борса битта ёки иккитаси олий ўқув юртига кирарди. У ҳам педагогика ёки қишлоқ хўжалиги институти бўларди. Бошқа касблар ҳам борлигини бу қишлоқлар кўп билмаган, шекилли. Негаки илгари Сурхондай катта вилоятда номигагина битта олий ўқув юрти бўларди. Термизда. Ўқиш ҳақидаги орзуларимиз шу Термиздан нарига ўтмаган. Ҳозир вилоятимизнинг ўзида еттита олий ўқув юрти бор. Бошқа шаҳарларда ўқиши қўшимча имконият. Ҳатто чет элдаги университетларда ўқишни ҳам билиб олдик.

Буларнинг бари ичимиздаги қулликдан қутулаётганимиздан далолат. Шу қишлоқдан фан докторлари, профессорлар, ёзувчи-шоирлар етишиб чиқа бошлади. Бугунги ёшларимизнинг кўзи порлаб, нақ юлдузни нишонга олган. Табиийки, болажонлар атрофга қараб, реал ҳаётда кўрганларидан илҳомланиб, орзу-ҳавас қилади, интилади.

Бир пайтлар мактаб битирувчилари тўлиқ тракторчилик гувоҳномасини олган пайтларни ҳам кўрдик. Ўша пайтда, тўғриси, бу ҳолдан мамнун бўлганмиз. Оила боқиши учун бир касбни тайин қилди, деган ўйда бўлганмиз-да. Тракторчи бўлса, далада ишламайди, яйловда чўпон бўлишдан афзал, деб тушунганмиз-да. Энди ўйлаб кўрсам, улуғ мақсадимиз деб билганимиз тракторчилик билан чегараланган экан. Мустақиллигимиз шарофатидан ҳақиқий улуғ мақсадни ёшларимизда кўряпмиз. Етказганига шукр".

Устозимнинг ҳузуридан қайтар эканман, кун ботишга оққан эди. Атроф бирам чиройли, мафтункор. Йўлда эса замонавий машиналар у ёқдан бу ёққа ғизиллаб ўтади, охири йўқдай. Ҳа, Пардаҳожи тўғри айтади: йўл бўлса, тараққиёт, фаровонлик бўлади.



МУНОСАБАТ



**Кейинги йилларда даврий нашрларда ўзбек болалар адабиёти таназзулга юз тутгани ҳақидаги мақолалар урчиб кетди. Яқинда ўзини болалар ёзувчиси деб ҳисоблайдиган ижодкорлардан бири мақоласида "Ўзбек болалар адабиёти ўлган", дея ҳукм чиқариб юборганига кўзим тушди. Мана шу нохуш ҳолат ўз фикрларимни қоғозга туширишга ундади.**

# Ўзбек болалар адабиёти ТИРИК ВА ЯШАЯПТИ!



**Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

2020 йилда, Covid-19 туфайли карантин эълон қилиниб, ишхоналар ёпилган пайтда болалар ёзувчиси Гулноз Тожибоева билан бирга "Ўзбек болалар адабиёти антологияси"ни тузишга киришдик. 3 жилдли бу антология наср, назм ва таржимадан иборат бўлиши керак эди. Ва ниҳоят, 2022 йилда 50 нафар болалар адибининг асарлари киритилган антологиянинг биринчи — наср қисмини якунлаб, нашр этиш учун Ёзувчилар уюшмасига топширдик. Ҳозирги пайтда шу антологиянинг болалар шеъриятига бағишланган иккинчи қисмини тайёрлаш жараёни кетяпти. Бу китобга тахминан 70 нафарга яқин болалар адибининг асарлари киритилади. Рақамларга эътибор беринг-а! Ҳатто кўпчилик болалар адиблари ҳам шеър, ҳам ҳикоя ва эртаклар ёзишини ҳисобга олсак, айни пайтда Ўзбекистонда 100 дан ортиқ болалар ёзувчиси бор. Уларнинг бари сермаҳсул ижод қиляпти, ҳатто ўз ҳисобидан бўлса-да, болажонларга атаб китоблар нашр қилдиряпти. Шундай экан, ўзбек болалар адабиёти ўлган, деган гап-сўзлар қаердан чиқяпти ва улардан кимга қандай наф бор?

Юртимиздаги нашриётлар томонидан болалар адабиётига эътибор сусайиб кетгани, шу боис, ёш ижодкорлар болалардан кўра катталарга атаб ёзишни кўпроқ маъқул кўраётгани эса ҳақ гап. Уларни ҳам тушуниш керак: болаларга аталган китобини йиллаб кўтариб юргандан кўра катталарга ёзиб, танилиш осонроқ-да! Ёш ижодкорлар фантастика жанрида умуман ёзишни хоҳламайди, чунки бу жанрдаги энг яхши асарлар ҳам отахон нашрлардан қайтарилаётганига бир неча бор гувоҳ бўлганман...

Шу боис, 2019 йилда болалар ёзувчиси Гулноз Тожибоева ташаббуси билан "HUMO-2019" республика эртаклар танловини ўтказишга қарор қилдик. Танловни ташкил этишда менга филолог Елена Грюкалова ёрдам берди. Биз халқаро ҳакамлар гуруҳига Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Болгария ва Озарбайжонда яшовчи болалар адибларини таклиф этдик. Бу танловни ўтказишдан мақсад мамлакатимизда яшаб ижод қилаётган 35 ёшгача бўлган болалар ёзувчиларини топиш, ижодини қўллаб-қувватлаш эди. Танловга ношир Акмал Нажмиддинов, ёзувчилар Дилфуза Қўзиева, Марям Аҳмедова, Асрор Аллаёров ва болалар ёзувчиси Хуршид Тожибоев ҳомийлик қилди ва йигирмага яқин иқтидорли ёш болалар ёзувчисини кашф қилдик. Мана шу ёшларнинг ижоди ўзбек болалар адабиётига забардаст оқим кириб келаётганидан дарак берди.

Ҳозир юртимизда болалар ва ўсмирлар учун нашр қилинаётган китобларнинг асосий қисмини чет эллик муаллифларнинг таржима асарлари ташкил этади. Илгари ўзбек тилига ўгириладиган китоблар, асосан, рус тилидан таржима қилинарди. Бунда ҳамма гап хорижий тилдаги китобларни рус тилига ўгирган таржимоннинг маҳорати ва билимига боғлиқ бўлиб қоларди. Илло, асарни китобхонларга етказишнинг энг яхши йўли сифатли таржимадир.

Мамнуният билан таъкидлашимиз керакки, сўнгги йилларда ўзбек адабиётидаги мана шу муаммо бартараф бўлди. Чунки ўзбек адабиётига кириб келаётган ижодкор ёшларнинг аксарияти хорижий тилларни пухта билишдан ташқари, сифатли таржима қилиш малакасига ҳам эга. Билим юки залворли бўлган мана шундай ижодкор ёшларнинг ғайрат-шижоатидан фойдаланиб, ўзбек болалар адабиётини ривожлантириш йўлидаги уринишларимизнинг маҳсули сифатида "Ўзбек болалар адабиёти антологияси"нинг учинчи — таржима қисмини яратяпмиз. Бу китобга кирадиган, болаларга мўлжалланган асарларни ёш ижодкор-таржимонлар Хуршид Тожибоев, Тўмарис Аъзам, Раҳшона Аҳмедова, Дилобар Аслиддин қизи ва бошқалар инглиз, корейс, япон, немис, турк ва бошқа тиллардан бевосита ўзбек тилига ўгирган. Болалар ёзувчиси Гулноз Тожибоева 10 дан ортиқ болалар ёзувчисининг асарларини рус тилига таржима қилиб, Россия, Украинада нашр қилинишида ташаббус кўрсатяпти.

Мен рақамларга бекорга урғу бераётганим йўқ. Илло, юртимизда болалар адабиётидан узоқ, биз қилаётган ишларга "тобут" ясаётган ҳамкасбларимиз булардан бехабарлиги аниқ.

Машҳур олим Альберт Эйнштейн "Болаларингиз ақлли бўлишини истасангиз, уларга эртак ўқиб беринг. Агар янада ақлли бўлишини хоҳласангиз, унда янаям кўпроқ эртак ўқиб беринг", деганди. Бу билан Эйнштейн айнан эртакка эмас, балки китобга меҳрни болага ёшлигиданоқ сингдириш кераклигини таъкидлаган. Олим ҳақ, китоб ўқишга қизиқишни боланинг тили чиққани ҳамони бошлаш керак. Мен буни амалиётда синаб кўрганман, вазият тақозоси билан фарзандларимга алла ўрнига эртак айтганман. Шу туфайли қизим 6 ёшидан, ўғлим 4 ёшидан эртак тўқий бошлаганига, улғайгач эса иккови ҳам ёзувчи ва таржимон бўлиб етишганига ажабланмаса ҳам бўлади...

Айни пайтда болалар адабиёти ривожига катта эътибор қаратиляпти. Соҳага оид қарорлар қабул қилиняпти, болалар китобларини нашр қиладиган нашриётларга имтиёзлар бериляпти. Болалар адабиётига кириб келганига 40 йилдан ошганига қарамай, ҳалигача биронта мукофот олиш тугул, ҳатто раҳмат ҳам эшитмаган мендек болалар ёзувчисининг кўп йиллик меҳнатлари эътироф қилиниб, мустақиллигимизнинг ўттиз икки йиллиги арафасида "Шуҳрат" медали билан тақдирланишим ҳам болалар адабиётига эътибор натижасидир. Мен фаолиятим давомида ўттиздан ортиқ ўзбек ёзувчисининг асарларини рус тилига, ўнлаб рус адибининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиб, икки халқ ўртасида адабий дўстлик алоқаларига ҳисса қўшаётганим туфайли Россиянинг халқаро мукофоти — "А.С.Пушкиннинг 200 йиллиги" медали билан тақдирланганим ҳақида хабар олдим. Ҳар қандай эътибор ва рағбат ёзувчи кўнглини кўтарибгина қолмай, балки янада яхшироқ асарлар ёзишга ундаши ҳақиқатдир.

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-946.
43555 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғаффоров
Мусаҳҳиҳ: Рашид Хўжамов
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
ЎзА якуни — 02:50 Топширилди — 02:50